СУҲРОБ СИПЕҲРИЙ

“*Ҳашт кетоб*” (саккиз китоб) девонидаги саккиз мажмуасидан намуналар



Тошкент 2023

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхона
« Lesson Press » нашриёти

УЎК: 821.512.133
КБК 84(5Ў)6

Таржимонлар: **Фарида АФРЎЗ**
Наргиза ШОАЛИЕВА

Муҳаррир: **Санобар ФАХРИДДИНОВА**

Сухроб Сипеҳрий - Эроннинг “Янги шеър” адабий оқимининг энг йирик вакилларидан бири.

У - мутафаккир шоир, файласуф рассом!

Ўзининг озгина умрида оташин юрак билан шеърлар ёзди, мўйқалами билан мўъжизалар яратди.

Сизларга [1]ҳавола қилинаётган ушбу тўпламга унинг “Саккиз китоб” номли китобидан уч мажмуаси тўлалигича ҳамда бошқа мажмуаларидан олинган намуналарни жамладик.

Ўйлаймизки, Сизни ушбу китоб Шарқнинг яна бир алломаси билан таништиради, дўстлаштиради.

ISBN 978-9943-9068-1-5 ©« Lesson Press » нашриёти

1

СИПЕҲРИЙ СЕҲРИ

Ўтган асрнинг 28-йилида Эроннинг Кошон шаҳрида бир шоир туғилди. Унинг исми – Суҳроб. Отаси Абдуллоҳ, онаси эса Фуруғ Сипеҳрийлар эди. У бобосининг катта боғида ўсди. Шунинг учун унинг болаликдаги ўйинчоқлари капалаклар, ҳашоратлар, оқар сувлар, дарахтлар, товус, хўроз, каклик, қалдирғоч, балиқлар ва ҳоказолар бўлди. Бу кузатув уни РАССОМ ва ШОИР қилди. Дунё РАНГига ва СЎЗига ошиқ қилди! Ишқ берди, ИШҚпараст қилди.

Бугун уни ўқир эканмиз, тўғрироғи, томошо қилар эканмиз, биз ҳам суҳробпараст бўлаётганимизни ҳис қиламиз.

Суҳроб Сипеҳрий ХХ асрда, Эрон адабиётида ўзига хос цинқилоб қилган улуғ шоир Нимо Юшиж асос солган "ЯНГИ ШЕЪР" даврини мавжлантирди. Даврдошлари Гулчини Гилоний, Парвин Эътисомий, Фуруғ Фаррухзод, Монучеҳр Оташий каби шоирларданда, айри ижод қилиб, ўзига хос йўналиш ва адабиёт яратди.

У дунё кезди, бирор мавжудот қолмадики, унинг қалами ва мўйқаламида акс этмаган бўлса!

Шоир бор-йўғи **52** ёш умр кўрди. Уни ҳам **10 йил**ини саратон касаллигининг азоблари билан ўтказди. **1980 йили вафот этди.**

Азиз ўқирман, шу китобни қўлида тутиб турган дўст, Суҳроб Сипеҳрий шеърияти сиз билан бизгача етиб келибдики, демак, гўзалликка, мўъжизага, ростлик ва ҳақиқатга чегара**,** тўсиқ йўқ экан! Бундай пайтда замон

ва маконнинг аҳамияти четга сурилади. Фақат ОДАМ ва СЎЗ қолади**!**

Таржима жараёнида мени ошуфта қилган, сеҳрлаган мисраларни сизларга ҳам илиндим.

Зораки, бу лутфим катта шеърият қасрига калит бўлғусидир!

“Бир товуш чорлайди узоқдан,
Тун қаърига оёғим ботган... “

Биз ғофиллар кўпинча, чорловларни эшитмаймиз, эшитсак-да, оёқларимиз тун ва кунларнинг ботқоғига ботиб қолган... Ундан чиқиш учун эса, ўзимизда куч ва айниқса, журъат тополмаймиз...Биз ҳамиша ўзимизнинг овозимизни севамиз!.. Мен... мен... мен!

“Бир туйнук йўқ бу ёлғизликда,
Эшик ва деворлар бирлашар.
Ногаҳон бир соя сирпанса ерда
Ваҳима инидан қўзғалар...
..Одамлар нафаси ғофил ва ўлик,

...Бу кеча мен каби рангпардир,
Сукунат лабининг ранггида...”

Ёлғизликнинг шакли йўқ. Уни ким қандай кўрса, у ўша шаклда. Кимгадир йўлдир у, кимгадир тошдир!

У ғофил ва ўликларнинг нафасидир! У ишқсиз кўнгилнинг ҳамроҳидир!

...“Соя сирпаниб девордан ўтд...

...Эскирган кун йўлдан ўтмоқда”...

Қалб деворларимиздан жуда кўп нарсалар бизга билдирмай сирпаниб ўтади: масалан, ЁШЛИК, ШАВҚ, УМР!

...“Ғам уфқ рангги билан қоришган,
Лабимдан бир совуқ қисса таралар,
Кўнглимни сиққан шу тор уфқда”....

Баъзан, тор уфқ ғам ранги билан бўялган бир пайтда, фақат совуқ қиссалар хиргойисини айта оласан. Гарчи уни ҳеч ким эшитмаса-да... Эшитса, уфққа не ғам?! Дунёга не ғам?! Унга не ғам!?

...“Узоқ йўлдан келган қора қуш,
Баланд томдан йиқилган кечани сайрайди.

...Сармаст келиб йўлдан
Фатҳ этар ғампараст қуш...”

Қуш сайраганда, биз, у билганини сайраяпти, деб ўйлаймиз. Аслида у бизни сайрайди. Йиқилган кечаларимизни, соврилган кундузларимизу ғофиллигимизни, нафсимиз йўлида овворai жаҳонлигимизни сайрайди!..

...***“ранглар туннинг соҳилида абадий ўлган”...***

Тун рангларни бир хил қилади, худди лоқайд одамларнинг рангги каби. Тириклик соҳилидан ўтар экансан, ранглар ўликлашади... энди у ерда турфалик йўқ, ўз рангингни тополмай қоласан!.. Тонг, мени асра, қутқар, ғафлат рангидан!

...“Хонамнинг ботқоғида ўсади аста
Қуёшнинг оловранг гиёҳи”...
...**Ҳар жойда ўзимнинг ўлган бурчакларимдан**
Бир нилуфар ўсган эди”...

Хонамиз-кўнглимиз ботқоғида қуёшнинг гиёҳи, ҳар бир ўлган бурчакларимизда нилуфарлар ўсса, ўстиролсак, бизнинг тириклигимиз - шу! Одам инқилоби- шу!

...“Лаҳзалар уйғоқлигида
Жўшқин ариқ тамон сирпанди таним”...

Таннинг сирпанмоғи учун уйғоқлик керак. Лаҳзаларингни уйғотмоқ, жўшқин ариқ мисол жўшмоқ, жонни танга қовуштирмоқ**, покламоқ** керак...

***

...“Бир нур парранда бўлиб
Пастга тушди-да, териб еди ва учиб кетди
табассумим доналарини”...

Нур сени хомуш қилади, агар сезсанг, ушлаб кўрсанг, тишласанг, ютсанг... Бу нур доналари томиринг даласига экилган... Азал аввалингда!

...“Йўлида бир дарахт жонланди
Меваси ранг олди қўрқувдан”...

Баъзан, борлигинг ҳайбатидан қўрқиб кетасан. Қара, дунёда сенингдек сен йўқ! Борлиқ ичра борлигинг, сенинг ҳам ўрнинг, овозинг, номинг ва вазифанг борлиги сени жонлантиради. Дарахтдай яшнайсан!

... **“Энг узоқ сув,**
ўзининг оқимини йўлимга сочди,
Энг яширин тош, соясини оёғимга солди,

...“Қўлларинг саломнинг
яшил шохини менга тутарди”...

Дунё кезмоқ яширин тошларнинг соясида тин олмоқ, саломнинг яшил шохлари билан туташмоқ, сувлар оқими ила оқмоқлик нашидасидир! Кузатмоқ, иштирок этмоқ – инсонликдан дарак!

...“Ҳаёт, бу - бир лочиннинг учиши”...

Ҳеч ўйлаб кўрганмизми, лочин бир учиб, бир қўнган фурсат қанча бўлар экан?!..Билмаймиз, тахмин қилармиз, майлида, қанча деб ўйлаган бўлсак, шунча! Ҳа, бизнинг ҳам ҳаётимиз худди шунча! Кўз очиб, юмгунча, бир қанот қоққулик вақтча!

Муҳими, ким бўлиб яшаганимизда, одамийликнинг калхатимизми ва ёки лочини!..

...“Ёстиғим овозга тўла, қушчалар овози”...

...“Бу кеча кўйлагимнинг қозиғини
Ёлғиз қолдириб,
жомадонимни олишим ва
у томонга боришим керак.
Афсона дарахтлари кўринган томонга”...

Ёстиқларинг тушларга тўла. Унда на фақат қушлар сайрайди, ундан увол кунларингнинг ўкириги ҳам эшитилади. Кўйлакларинг қозиғи кийимингдан ўтган ҳорғинликдан инқиллайди. Ҳеч кимни ёлғиз қолдиролмайсан, чирмашиб кетгансан бурчларга! Кетолмайсан, сени кутиб афсона дарахтлари ҳам қарийди...

*...**”Кечалари тарона ҳидини ҳидлайлик”...***

Ажабо, шоир бизга тароналар ҳидини таклиф этмоқда. Ўзи чизган сувратларнинг овозини, хотираларининг таъмини, йўл-йўлакай одамлар тилидан еган заҳарнинг асалини илинмоқда...

Кеча тун эмаслигини, қоронғулик биз учун эмаслигини, ошиқлар, уйғоқлар туни ялдо эканлигини эслатмоқда!

Бир оз бўлсада, ваҳдат қўйнида яшайлик!

***

...“Биз тошнинг эсишимиз,
биз эсадиган тошмиз.
Биз қадам кечасимиз, кечанинг қадамимиз.
Парвозмиз, қуш йўлига нигоронмиз.
Тўлиб оқайлик, кўзани кутайлик...
...Иккиликни икки томонга ташлайлик!”

Салгина ҳушёр тортсак, эсадиган тошга айланамиз. Дарё бўлишни, тўлиб оқишни, кўзаларни кутишни ўрганамиз. Парвозни билсак, қушлар биз томон шошадилар.

Иккилик **умр заволи, ишқ уволи,** ҳижрон ўзаги, ҳаёт азобидир! Иккиликни икки томонга ташлайлик: вафода, иймонда, виждонда бирлик бўлайлик!

...“Мен қишлоқларни кўрмадим,
Гумонсиз ўтовлари Худонинг пойига тикилганди...

Тўлиной у ерда суҳбатнинг кенглигини ёруғ қилади.
Чегарани бузади...
Тепа қишлоқ гумонсиз,
қўралари калтадир,
номига суқилган таёқчалар...

Одамлари кўкнор қанақа гуллигини билади.
У ерда гумонсиз, мовий мовийдир
Ғунча гуллайди, қишлоқ аҳлининг хабари бор**”**...

Воҳ, Суҳроб! Сен худди менинг қишлоқларимни кезганга ўхшайсан! Қишлоқда ҳамма, ҳамма нарсадан огоҳ. Кимнинг сигири туғди, кимнинг ўриги эрта гуллайди, кимнинг узуми чиллаги, кимнинг шафтолиси эртапишар... Кимнинг уйида ўсма, райҳон экилган ва ҳоказолар.

Хуллас, сен айтгандай қишлоқ аҳли гумонсиз, тўсиқларсиз яшайди: дарвозасиз, темир панжараларсиз, кузатув камераларисиз! Улар бирликда, огоҳликда энг муҳими таҳликасиз яшайдилар!

Эҳ, Суҳроб! Сенинг ҳар мисранг менимдир. Ҳар қаторинг дорида менинг ҳам сўзларим саланглаб осилиб ётибди. Айтарларимни айтгандайсан, кўрарларимни кўргандайсан. Мен қоқинган тошда, мен ҳидлаган гулда, мен симирган ишқда борсан!

О, Суҳроб! Сен менга жуда кўп нарсаларни эслатдинг! Одамлигимни, кўзим кўз, қулоғим қулоқ, юрагим юрак эканлигини англатдинг! Кўришни, эшитиш, ҳис қилишни, ҳис қилганда эса яйрашни, қувнашни, дунёларга сиғмасликни ўргатдинг! Ўзимни ўзимга кўрсатдинг!

Оҳ, Суҳроб Сипеҳрий! О, Ишқтарош, Сўзтарош даллим!

Сендан ошиқлик нелигини ўргандим. Энди бизга на манзил, макон, на замон, вақт, ўлчовлари кор қилар! Сен билан биз асрларни бирлатирувчи, кўнгилларни қориштирувчи сабабкормиз!Қисмат- шу, кўргулик -шу!

Фарида АФРЎЗ
шоира,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

МУҲАББАТ ТУҒЁНИ

(Кириш сўзи ўрнида)

XX аср Эрон адабиётнинг йирик вакилларидан бири, рассом ва мутафаккир шоир Суҳроб Сипеҳрий (1928 йил 7 октябрь – 1980 йил 21 апрель) ижоди кўпчилик Эрон ва дунё тадқиқотчилари эътиборини ўзига жалб этган ижодкор ҳисобланади. Унинг адабий мероси «Рангнинг ўлими» (1951), «Тушлар ҳаёти» (1953), «Қуёш парчалари» ва «Андуҳ шарқи» (1961), «Сув одимининг товуши» (1965), «Йўловчи» манзумаси (1966), «Яшилнинг ҳажми» (1967), «Биз ҳечмиз, нигоҳдан ўзга» (1977) номли шеърий тўпламлардан иборатдир.

Шоир ижодий методи масаласи ўзининг мураккаб характери, серқирра эканлигини намоён этади. Суҳроб Сипеҳрийни айнан маълум бир метод доирасида талқин қилиш ва баҳолаш уни белгиланган қолип ичига сунъий равишда киритишга тенг келади. Аслида шоир рассом бўлганлиги учун ҳам унинг тафаккури дунё ранг-баранглиги бадиий идрок эта олган. У Ғарб маданиятининг барча янги модернистик ва постмодернистик ғояларини ўз ижодида Шарқ ирфоний қарашлари билан уйғунлаштириб, уларнинг барчасини ижод нуқтаи назардан эркин англаган ва қабул қилган. Шу боис шоирни абадий борлиқ, макон ва давр ичида ана шу борлиқ ва мавжудликни севган ва қадрлаган инсон сифатида материалист эмас, балки экзистенциалист деб аташ ўринли. Аммо шоир тилига хос бўлган мавҳум жумлалар ва чизгилар, янги поэтик образлилик асосида

реал борлиққа зид бўлган мавжудликни ярата олиш қобилияти шоирнинг сюрреалистик маҳоратидан дарак беради. Шу билан бирга шоир илгари сурган ғояларни сюрреалистик мавҳумликдан озод қилиб, сўнг англанса, шоир идеали - гўзалликка ошуфталик, борлиққа сингиш, ҳаётни севиш асосига қурилганлигини кўриш мумкин бўлади. Гўзалликни яратган инъоми сифатида англаш асосида шоирни романтик деб аташга асос топилади. Аммо аслида, шоирни мавжуд методлардан бироргасига боғлаб қўйиш унинг руҳиятига хос бўлган ижодий ранг-баранглик, кенглик, бойликни тан олмасликка тенг келади. Шоир ўз ғоялари ва қарашлари йўналтирилган романтикликни сюрреалистик ва абстракт тил ва образлилик асосига қуради. Шоир романтик кайфияти ортида эса илоҳийликни реал мавжудлик билан бошлаган ва тан олиш асосига қурилган диний экзистенциализм фалсафаси ётади. Шоир модернизм ва постмодернизмнинг мураккаб изланишларига берилиб кетмайди, улардан ўз мақсадларида ижодий фойдаланади холос.

Шоир анъанавий ирфоний мавзу ва мазмунни англашда Жалолиддин Румий, Саъдий Шерозий, Фаридиддин Аттор, Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва Мирзо Бедил ижодига таянади, аммо уларни такрорламайди. Балки мана шу мазмунни замонавийлаштириш, янги авлодлар учун англашиларли бўлган моҳиятини шакллантиришга саъй-ҳаракат қилади. Сипеҳрий ўзининг инсонга, ҳаёт ва борлиққа бўлган мустақил муносабати, ўзига хос нуқтаи назари, ўзига хос нигоҳини форс шеъриятидаги анъанавий поэтик тимсол ва рамзларнинг эскириб

қолган қолипини синдириб, янгича поэтик тимсоллар ва рамзлар силсиласини яратишдан бошлайди. Суҳроб Сипеҳрий ирфоний шеърларида анъанавий поэтик тимсолларга ноанъанавий замонавий маъноларни юклаш билан бирга, шоиргача умуман қўлланилмаган янги поэтик тимсоллар ва рамзларни яратиш йўлидан боради. Шу аснода шоир нафақат ирфоний шеъриятни, балки умуман, ҳозирги замон Эрон шеъриятини бойитишга муваффақ бўлади.

Суҳроб Сипеҳрий ижодида дин ва диний қадриятларга муносабат унинг маънавий-маърифий қарашларининг бош таркибий қисмини ташкил этади. Дин Суҳроб Сипеҳрий нигоҳида фақатгина шаръий аҳкомлар йиғиндисидан иборат бўлган мажмуа эмас, балки у инсоннинг маънавий дунёсини яратиш, безатиш ва мукаммаллаштириб, “комил инсон” даражасига етказишга қодир бўлган илоҳий бир қудратдир. Динни бировга зўрлик билан ё мажбурий ҳолда сингдириб бўлмайди. Эътиқод ташқаридан эмас, балки инсоннинг ўзидан, унинг руҳий-маънавий эҳтиёжидан келиб чиққан бўлиши керак. Акс ҳолда, у инсонни мукаммаллаштириш ё гўзал хулқлар билан безатиш воситаси эмас, балки инсон эрк-ихтиёрини чеклаб қўядиган консерватив воситага айланади. Натижада у носамимий ва сунъий, инсон комиллигидан йироқ бир тушунча бўлиб қолади.

Суҳроб Сипеҳрий диний дунёқараши ислом дини таълимоти асосида шаклланган. У – ислом дини ҳоким бўлган муҳитда туғилиб ўсган, унинг тафаккурида ислом ақидалари чуқур илдиз отган. Шоир ўзини фақат “мусулмон” сифатида кўради ва англайди. Бу ҳақда

унинг ўзи «Сув одимининг товуши» номли манзумасида шундай дейди:

Мусулмонман. Қиблам - бир қизил гул
Жойнамозим - булоқ, муҳрим - нур.
Дашт - менинг саждагоҳим.
Мен деразалар ларзасидан - покланаман.

Сипеҳрий назарида, намоз - табиат ва борликдаги нарсалар, ҳодиса ва мавжудотлар билан уйғун ҳолда адо этилиши лозим. Шоир тасвирлаган «мен» - қалби уйғоқ инсон. Шоир лирик қаҳрамони мусулмон бўлиб, у ибодат жараёнида бутун борлиқ билан бирлашиши, унга ҳамоҳанг бўлиши лозим. Ибодат, шоир наздида, табиат сеҳри оғушидаги табиатни идрок этиш орқали Яратган қудратини идрок этишгача бориб етишдан иборатдир. Чунки Яратган – табиат зарралари ва ҳаракатида ўзини намоён қилади. Суҳроб Сипеҳрий барча диний-мазҳабий таълимотларга бир хил кўз билан қарайди, уларни ҳурмат қилади ва эъзозлайди. Шоирнинг инсон ва дин ўртасидаги муносабатларга оид қарашлари тизимида динлараро ва маданиятлараро тотувлик, толерантлик, шу жумладан диний бағрикенглик мавзуси алоҳида ўрин тутади. Суҳроб Сипеҳрийнинг динлараро муносабат ва динлараро тотувлик масалаларида бошқа диний мазҳаблар фалсафасидан ҳам ўрганишни тарғиб қилиши мавлавия тариқатининг асосчиси Мавлоно Жалолиддин Румийнинг «Ҳар бир набий ва ҳар бир валийнинг ўз дину маслаги бор, аммо Ҳаққа етганда барча йўллар бирлашади», - деган ғоясини эслатади. “Барча динлар бағрида бўлиш ва барча динларни ўз бағрига олиш” олий эзгу мақсад эканлигини шоир бутун вужуди билан англайди. Шу маънода, шоир «Қуръонни бош устида» кўрар экан, бошқа муқаддас китобларни ҳам олий қадрият сифатида тилга олади:

“Бошим устида Қуръон, ёстиғим Инжил,
Тўшагим Таврот, ич кийимим Авеста.
Туш кўраман: сувдаги нилуфарда бир Будда”.

Суҳроб Сипеҳрий инсонийлик ва илоҳийлик ўртасидаги робитани ва умуман, Худога эътиқод масаласини қаламга олишдан аввал, инсоннинг ўзи ҳақида фикр юритади. Унинг нигоҳида инсон - абадий бир йўловчи. Бу йўловчи туғилишдан олдин ҳам, туғилиш жараёнида ҳам, туғилишдан кейинги ҳаётида ҳам, оламдан кўз юмиш жараёнида ҳам доимий ҳаракат ва доимий сайру сафарда бўлади. Шоирнинг «тавҳид» – аллоҳнинг ягоналиги масаласига эътибори унинг «Қуёш парчалари» тўпламидан жой олган «Тинчлигимиз посбони биз» номли шеъри билан бошланади:

Иккилик фазосида, чеҳраларнинг латофати сўнди.
Келинглар соядан – ёруғликка чиқайлик.

Суҳроб Сипеҳрий жуфт тушунчалар ғоясига асосланган (ўрта асрларда «санавият» деб аталган) таълимоти инсониятга ҳеч қандай наф бера олмаслиги, аксинча, инсонларни умидсизлик ва тушкунликка туширганини таъкидлар экан, ёруғ ва саодатли йўл – яккахудолик йўлидан боришни тавсия этади. Шоир «Токи» шеърида шундай дейди:

- Сенинг шаҳрингмас, сенинг шаҳрингмас,
Кафтларида гўзаллик косаси, лабларида доноликнинг аччиқ таъми...
Келганман, келганман, эшиклар “Йўқ”лик шамоли ўтиш жойида.
Уйни “Ўз”дан бўшатиб, иккиликнинг жомини синдириб,
Замин узра, замон узра “Бир”нинг сояси.

Суҳроб Сипеҳрий шеърларидаги «шаҳар», «идеал

шаҳар» билан боғлиқ тасаввурлар, бир томондан, унинг ижтимоий-сиёсий қарашларининг ифодаси бўлса, иккинчи томондан, унинг илоҳийликка бўлган муносабатининг ҳосиласидир. Мисол учун, «Денгизлар ортида» номли шеърида «деразалари тажаллий (илоҳиёт олами) томонга қараб очилган» шаҳар ҳақида сўз боради:

Денгизлар ортида бор ёлғиз шаҳар,
Бир шаҳарки деразалари тажаллий томонга очилган.
Томларига башар ақлининг фавворадек отилишига,
қараётган кабутарлар ин қурган...

Абу Наср Фаробийнинг «Фозил одамлар шаҳри» ва А.Жомийнинг «Озод ва обод шаҳри»ни эслатадиган бу шаҳар, дунёда мавжуд бўлмаган, «идеал шаҳардир». Бу шаҳар инсонларга тааллуқли шаҳар эмас, балки осмонларга – илоҳиёт оламига мансуб шаҳардир.

Суҳроб Сипеҳрий шеърларида ўз ботиний оламини топган, борлиқ мавжудлигининг моҳиятини англаган, табиат ва борлиқ билан қардошлик ипларини боғлай олган инсон сиймоси тасвирланади. Бу инсоннинг ўзликни англаш сари қилган сайру саёҳати Яратганни англаш йўлидан ўтади. Шу боис инсон Худони ўзидан узоқ деб ҳисобламаслиги керак:

Парвардигор шу яқингинада:
Мана бу шаббўйлар бўйида-ю,
ҳу баланд қарағай ёнида.
Ҳар нарсадан хабардор сув юзида-ю,
гиёҳнинг ўсиши қонунида.

Сипеҳрий нигоҳида Худо – мутлақ субстанция. Аммо бу мутлақ моҳият – бир жойда қотиб қолган мавжудлик эмас. У ҳамма жойда мавжуд ва доимий,

фаол ҳаракатдадир. Мутлақ субстанция борлиқ, табиат ва инсондан айри эмас, балки улар билан биргадир.

Шоир замон ва тараққиёт зиддиятларини тўлалигича, уларнинг бор мураккаблиги билан англайди. Жамиятдаги сиёсий жараёнлар таҳлилидан ўзини муҳофаза қилади. Бундай мавзулар унинг шеърияти учун ёт ҳисобланади. Шоир эътиқод ҳамда сиёсат моҳиятлари бир-биридан айри эканлиги уқтиради. Диний эътиқодни сиёсатга айлантирилишига қарши чиқади. Чунки бирор бир сиёсий таҳлил борлиқ гўзаллиги ва чиройи каби инсон учун асл моҳият ва асл мазмунни очиб беролмайди. Шоир учун муҳаббат, табиат, поклик, ёруғлик, гармония, гўзаллик муҳим. Демак, Суҳроб Сипеҳрий асл моҳият куйчиси сифатида боқий ва илоҳий гўзалликка ошуфталикни тараннум этади.

Суҳроб Сипеҳрий «борлиқ» деганда, биринчи навбатда, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар мажмуини тушунади. Шоир, инсон ва табиатдаги самимийлик, соддалик, озодалик ва мусаффоликни қадрлайди. Шоир ижодида табиат – инсоннинг қисматдоши, сирдоши ва ҳамдардига айланади. Суҳроб Сипеҳрий нигоҳида, табиат билан узвий алоқани узган XX аср инсони - «илдизсиз» инсондир. Шоир биринчидан натурфалсафа позициясида туриб, инсон – табиатнинг бир бўлаги, ажралмас бир қисми эканлигини тан олади. Иккинчидан, ирфон фалсафасидаги «ваҳдат ал-вужуд» назариясига мурожаат этиб, бу назариянинг янги формуласини яратади. Яъни инсон - табиатнинг бир бўлаги, табиат эса борлиқ (макрокосм)нинг ичида жойлашган. Аммо бу уч (инсон, борлиқ, табиат)

тушунчалар бир-биридан айри эмас. Шу билан бирга улар бир-бирини яратмаган ҳам. Уларнинг ўз яратувчиси – Худо бор. Худо борликдан айри эмас, балки унга сингиб кетгандир.

Сипеҳрий ҳаёти ва ижоди ҳақида “Қизил гулнинг сири” (2002, Ёзувчи нашриёти), унинг диний, ирфоний ва инсоний ғояларининг талқинини “Суҳроб Сипеҳрий шеъриятида ирфон ва инсон” (2012, Алишер Навоий номидагиЎзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти) ва тўлдириган вариантида “Суҳроб Сипеҳрий ва унинг диний, бадиий-ирфоний тафаккури” (2022, ЎзХИА нашриёти) китобларида батафсил маълумотга эга бўлишингиз мумкин.

Кўриб турганингиздек тирик сўз эгаси Суҳроб Сипеҳрий серқирра ва кенг қамровли шоир ва рассомдир, шу боис унинг ижодига бир марта мурожаат қилган мунаққидлар, шоирлар, шеърият мухлислари унинг беназир дунёсига маҳлиё булиб, унинг ошуфта ҳолидан таъсирланиб, илҳомланиши, дунёқарашининг ўзгариши бугунги кунда ҳам ўз аксини топиб келмоқда. Бинобарин шоир шеърлари ҳар йили ўзга тилларга таржима қилинади, ҳозирги кунда 30дан ортиқ дунё тилларига таржима қилинганллиги эса, унинг ижодининг аҳамияти ва моҳиятидан далолат беради.

Шу жумладан, Ўзбекистонда Сипеҳрий ижоди билан танишиш 90чи йилларнинг бошидан талабалик йилларимизда бошланган. “Ҳашт китоб”(саккиз китоб) девонидан жой олган жуда машҳур манзумаси-“Сув одимининг товуши”ни таржимаси ва таҳлилини диплом ишимиздаёқ (1997) амалга оширганмиз. Кейинчалик 2008 йили номзодлик ишимиз ҳам “СУҲРОБ

СИПЕҲРИЙ ИЖОДИДА ИНСОНИЙ ВА ИРФОНИЙ ҒОЯЛАРНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ” деб номланиб, шоир ижодига бағишланган бўлиб, муваффакиятли ҳимоя қилинган. 2008 йил “Шарқ юлдузи” (3-сон) журналида “Барча йўллар Ҳақда бирлашур” номли мақола Суҳроб Сипеҳрий ижоди мисолида кўрсатиб берилган эди. 2002 йили “Жаҳон адабиёти” (январ сони) журналида “Сув одимининг товуши” манзумасининг тўлиқ таржимаси эълон қилинган эди. 2010 йил “Жаҳон адабиёти” журналида(июл сони) “Янгилик излаган шоир” рукнидаги мақолада Сипеҳри яшаган даврни ёритиб берилган эди.

Шу ишлар натижасида Суҳроб Сипеҳрий ижоди ўзбеклар маънавий мулкига айланди ва адабий муҳит томонидан жуда илиқ қабул қилинди. Сипеҳрий баҳонасида халқимиз ардоғидаги кўплаб шоирлар ва олимлар билан яқиндан танишдик, натижада Сипеҳрий ижодининг мазмун ва моҳияти, яъни маърифати чуқурроқ ўрганишга қарор қилинди, унинг илғор ва салмоқли ғояларини маънавиятимизга сингдиришни вазифа деб белгилаган эдик. Бу хайрли ишимизда аввало йўл кўрсатган устозларимизни ҳиссалари катта, улардан фил.ф.д. А. Қаюмов, фил.ф.д. Г. Тўйчиева, фил.ф.д. М. Имомназаров, фил.ф.д. С. Сотиболдиева, фал.ф.д. Ж. Холмуминовлар бошчилик қилиб, ўзларининг қимматли фикр-мулоҳазаларини дариғ тутмаганлар. Халқимиз севган шоирларимиздан А.Маҳкам, М.Мирзо, Ф. Афрўз, Ж. Термизийлар жойларда сўзма сўз таржималаримизга шоирона баён, бадиий жило бағишлаганлар. Форс тилидаги баъзи тушуниши қийин бўлган сўз ва ибораларни эронлик дўстимиз Шива

Хуросонзода ёрдамига таянганмиз. Бундан ташқари Ж.Холмуминов(Термизий) ўзлари ҳам шоир ва ҳам олим сифатида Сипеҳрий ижодидан илҳомланиб, шоир ижодидан бир нечта шеърий намуналарни ўзбек тилига таржима қилган ва маҳаллий матбуотда ҳам эълон қилинган эди.

Мазкур китобни халқимизнинг суюкли шоираси, серқирра ижодкор, Фарида Афрўз ташаббуслари билан вужудга келди, десам муболаға бўлмас. Шоирамиз билан иш жараёнида шуни билдимки, шоирларнинг ўзини тили бўлар экан, улар бир бирини таржимасиз ҳам тушунишга қодир экан, чунки баъзида таржима қилиб туриб ҳам, тушунолмаган жойларда Фарида опа Суҳробни нима демоқчи эканлигини англаб, тушунтириб берсалар, ҳайратланиб қолардим. Шоирларни миллати йўқ, уларда чегара ҳам йўқ, уларга замонни ҳам аҳамияти йўқлигига иқрор бўлдим, шоирлар дунёси алоҳида эканлигига инондим. Ф.Афрўз ҳам худди Суҳроб каби ҳассос қалб эгаси, муҳаббат аҳли, уларнинг кенг дунёқараши, фалсафий-ирфоний мушоҳадалари бир - бирига ўхшашлиги ҳам, шунга далолат бўла олади.

Қўлингиздаги “Муҳаббат туғёни” китоби Суҳроб Сипеҳрийнинг “Ҳашт китоб” девонидаги саккиз мажуадан, учта мажмуа («Сув одимининг товуши» (1965), «Йўловчи» манзумаси (1966), «Яшилнинг ҳажм» (1967))нинг тўлиқ таржимаси ва қолган бешта мажмуадан шеърий намуналар таржимаси қамраб олинган. Шу жиҳатдан Сипеҳрий ижодининг бугунги кунгача қилинган ўзбек тилидаги тўлиқроқ таржимаси ҳисобланади ва бу мажмуада шоир ижодидан, жаҳон

замонавий адабиётидан ўрин олган ҳамда энг машҳур ва севимли бўлган шеърлар жой олган.

Умид қиламизки, Суҳроб Сипеҳрийнинг Шарқ тасаввуф таълимотидаги ирфоний қарашлардан сарчашма олган бадиий тафаккури Шарқ ва Ғарб тасаввурини ўзаро боғлаб ва уйғунлаштирган шеърлари Сизни ҳам бефарқ қолдирмайди ва Сизга яхшилик, гўзаллик, ошуфталик, эзгулик, тараққиёт, илғорлик, баркамоллик, барқарорлик ва осудалик ҳиссиётларига ҳамроҳ қилади.

Наргиза ШОАЛИЕВА
Филология фанлари номзоди

РАНГНИНГ ЎЛИМИ
(мажмуадан намуналар)



ТУН ҚАЪРИДА

Қоронғу кеча ёлғизлик ичра,
Жимжитлик лабга ранг берган.
Бир товуш чорлайди узоқдан,
Тун қаърига оёғим ботган...

Бир туйнук йўқ бу ёлғизликда,
Эшик ва деворлар бирлашар.
Ногаҳон бир соя сирпанса ерда
Ваҳима инидан қўзғалар.

Одамлар нафаси ғофил ва ўлик,
Тушкунлик бирма-бир ўрага тушган.
Бу бурчакнинг сўлиган ҳавосида
Турмиш бор, қувончи сўнган.

Кечанинг жодугар қўллари,
Мен ва ғам юзига эшик ёпади.
Бепарводек тутсам-да, ўзни,
У менинг устимдан кулади.

Кундузи чизилган сувратим,
Кечанинг тутунига тутилди.
Тунда ёйилган тасвирларим,
Эрта тонг шабнамида ювилди.

Бу кеча мен каби рангпардир,
Сукунат лабининг рангида.
Бу жимлик карахтлар, қимирлаш йўқ
Қўллар, оёқлар тун қаърида.

ҒАМИМ ҒАМЛИРОҚ

Тун совуқ, мен эса чарчадим,
Йўл узоқ, оёқларим ҳолидан тойган.
Ҳориган, судралган, чалишган,
Қорунғулик ва чироқлар синган.

Ёлғиз, аста ўтаман йўлдан,
Одамлар олислар, мендан узоқда.
Соя сирпаниб девордан ўтди,
Менинг ғамларим ғам-ла тузоқда.

Бу бузғунлик ...
Ва қоронғулик фикри...
Хабарсиз келди менинг юрагимгача...

УФҚҚА ЮЗЛАНИБ

Қизил уфқ қоришди,
Ердаги тошлар ичра...
Тоғ жимжит,
Дарё оқар.
Қир адирларда дўппаяр,
Кўк рангли хирмон.
Соя соя билан туташган,
Тош тошга қовушган,
Эскирган кун йўлдан ўтмоқда,
Кўзларида жилва ёнар,
Андуҳ кетар табассум изидан.
Бойўғли хароба деворда “укки”лар,
Калхатлар, оғир, манзара...
Ҳаводан бирма- бир тушиб,
Далада қолган ўлимтикни,
Тумшуқ уриб чўқилар...
Пешонаси тегида кўзлари ўрнида
Икки кўк чуқурлик қолган.
Қоронғулик тушар,
Қир-адир тинчланади.
Куннинг рангли қиссаси,
Охирига юзланиб боради.
Шохлар сўлиган,
Тошлар ранжиган,
Ариқ нолийди,
Бойуғли “укки”лайди...
Ғам уфқ ранги билан қоришган,
Лабимдан бир совуқ қисса таралар,
Кўнглимни сиққан шу тор уфқда.

РАНГНИНГ ЎЛИМИ

Ранглар тун соҳилида
Сўзсиз ўлган...

Узоқ йўлдан келган қора қуш,
Баланд томдан йиқилган кечани сайрайди.
сармаст келиб йўлдан
Фатх этар ғампараст қуш.

Бу рангларнинг синиши
оҳанглар бир-биридан айрилган
Қўрқув билмас қушчанинг биргина овози
Содда сукут қулоғини безайди
Акс -садо зираги билан...

 узоқлардан келган қора қуш
Баланд томда синган тун устида ўтирар
Тошга ўхшаб қимирламас
Кузни сирпантирар
Аралаш тафаккур шаклида
Ҳайратли туш қийнар,
Ранг гуллари тун тупроғидан ўсди.

Атирнинг хушбўй йўлларида
Шабода оёғи шаштидан қолар.

Ҳар дам макр кетидан бу ғампараст қуш
Тумшуқлари билан расм чизар.

Банди узилган
Уйқу синган
Рўёлар диёри
Ранг гулларининг очилиш эртагини
Эсдан чиқарган, унитган.
Сўзсиз, жимгина, бешарпа
Бу йўлнинг айланма йўлидан ўтиш керак:
Ранглар туннинг соҳилида абадий ўлган.

ТУШЛАР ҲАЁТИ
(мажмуадан намуналар)



АЧЧИҚ ТУШ

Моҳтоб қуши сайрайди,
Булут хонамда йиғлайди
Кузнинг армон гуллари очилар.
Деразам тобутида
Шарқ вужуди титрайди,
Ғарб жон бермоқда
Ўлмоқда, ана.
Қуёшнинг оловранг гиёҳи
Хонамнинг ботқоғида ўсади аста
Уйғоқман,
Ўйламадим, уйқуга кетдим,
Синган шохнинг сояси
Мени сокин ухлатди,
Энди эшитмоқдаман
Моҳтоб қушнинг оҳангларини
Пушаймон кузнинг гулларини
Тарқатардим уйқуда.

ҲЎЛ ФОНУС

Майсалар устига томганман,
Мен юлдузнинг уйқусираган шабнами
Қоронғу майсаларнинг устига ёнганман.
Лекин жойим бу ер эмас эди.
Чечакларнинг намли пичирлашларин
Ютоқиб эшитаман.
Лекин жойим бу ер эмас эди.
Фонус
Денгизнинг жўшқин бешигида ювинади.
Қаерга боради бу фонус,
Маст, чанқоқ, денгизга сиғинувчи фонус
Балки, узоқдаги зиналар кошинларига?
Нигоҳим айланар туманаро
парилар орасида рақсга тушар.
Томиримда туннинг хиргойиси ўсади,
Ҳазин ёмғирнинг мастлиги
Ташна руҳимнинг деворига томади.
Мен томган юлдузман.
Хатоларнинг кўзидан томган,
Истаги беадад кеча.
Уфқнинг иссиқ бадани яланғоч.
Чаманнинг яшил мармарларида
оқ томирчаси хиргойи қилар
Тўлиной Шарқнинг
мовий зиналаридан сирғалар,
Парилар рақсга тушарди,
Мовий рангли либослари
уфқ рангига пайваста эди.
Кечанинг хиргойиси маст қилар қадар.

Хаёл деразалари очиқ эди,
У насимдек ичкарига эсди.
Энди майсалар устидаман
Шаббода ёнимдан ўтарди
Юрак зарби кул бўлган.
Мовий кийганлар рақсга тушмаяпдилар.
Фонус секин чекинади пастга ва тепага
У деразадан ташқарига учганда
Кўзлари уйқуни йўқотган эди,
Йўл ҳансирарди.
Ҳарсанглар ҳавас қилиб ҳидладилар!
Шошқалоқ фонус!
Қачонгача судраласан.
Минг турли оҳангли лабида
Кўпирган йўлларнинг баланд- пастида?
Кечанинг сирли хиргойиси сўлди.
Париларнинг рақси тугади.
Кошки, бу ерга томмаган бўлсам!
Унинг насимдек вужуди
тун зулмати ичра йуқолган пайтда
Фонус соҳил бўйлаб йўлга тушди.
Кошки, бу ерда-
Зулматнинг майсазор тўшагига томмаган бўлсам!
Фонус мендан қочарди.
Мен қандай ўрнимдан турай?
Совуқ чечакларнинг суягига ёпишганман.
Мендан йироқ, фонус
Денгизнинг жўшқин бешигида ювинади...

НИЛУФАР

Уйқум чегарасидан ўтардим,
Бир Нилуфарнинг
Қоронғу ва қуюқ сояси
Вайроналар устига тушган эди.
Қайси бепарво шамол
Бу нилуфар уруғини
менинг уйқум диёрига олиб келди?

Рўёларнинг шишали эшиклари ортида,
Ойналарнинг тагсиз ўлик сувида,
Ҳар жойда ўзимнинг ўлган бурчакларимдан
Бир нилуфар ўсган эди.
Гуё у лаҳза - лаҳза менинг бўшлиғимни
Шабнами билан тўлдирарди.
Мен унинг гуллаш овозида
Лаҳза - лаҳза ўзимни ўлдирардим.

Айвоннинг томи тўкиларди
Нилуфар пояси устунларга чирмашарди.
Қайси бепарво шамол
Бу нилуфар уруғини менинг уйқум диёрига олиб келди?

Нилуфар ўсди
Пояси шаффоф уйқум тегидан бош чиқарди.
Мен рўёда эдим,
Уйғоқлик сели келди.
Кўзларимни уйқумнинг вайронасида очдим,
Нилуфар бутун ҳаётимни чирмаб олган эди.
Томирларида югураётган мен эдим.
Борлиғи менда илдиз отган эди,
Ва у мен эди...
Қайси бепарво шамол
Бу нилуфар уруғини менинг уйқим диёрига олиб келди?

ҚУЁШ ПАРЧАЛАРИ
(мажмуадан намуналар)



ИЛДИЗСИЗ

Лаҳзалар уйғоқлигида
Жўшқин ариқ тамон сирпанди таним,
Бир нур парранда бўлиб
Пастга тушди-да, териб еди ва учиб кетди
табассумим доналарини,
Булут кўринди,
Шимиб олди лаҳза ичида
Паридай шаффоф кўз ёшларимни
Яланғоч шамол бошланди,
Тинимсиз, довдир,
Юзимнинг хатларини учирди, бузди,
Ярақланган дарахт
Қора томирлари ила ютиб юборди, танамни
Тўфон бошланди,
Оёқларим изини олиб кетмоқ - чун,

Бир нигоҳ жўшқин ариққа эгилди,
Хаёллар синди
Парча- парча бўлди тасвир.

ЭЙ ЯҚИН

Энг яширин боғларда, қўлим мева терди
Ҳей, яқиндаги шох, бармоғимдан қўрқма,
Бармоғимнинг бебошлиги, узиш завқидан эмас,
сен билан танишиш шавқидандир,
Мевалар ялтирайди, ялтиради,
Териш васвасаси қўлимнинг эсидан чиқди ва чиради,
Энг узоқ сув, ўзининг оқимини йўлимга сочди
Энг яширин тош, соясини оёғимга солди
Ва мен яқиндаги шох
Сувдан ўттим, соядан кеттим
Кеттим, ғуруримнинг чўққиларида
бургутнинг инини синдирдим.
Энди эса, бош эгиб ҳокисорликда
Сенинг пойингда қолдим
Эгилгин, яқиндаги шох!

ТИНЧЛИГИМИЗ ПОСБОНИ – БИЗ

Иккилик ҳавосида, чеҳралар таровати сўнди.
Гар, шундай, соядан-ёруғликка чиқайлик.
Шабнам лабида титрайлик, япроққа тушайлик.
Оёқ изи кўрсак, қадимги мусофир кетидан борайлик.
Қайтайлик, қўрқмайлик,
ўша давронлар айвонида,
жоду ичимлигини ичайлик.
Кечалари тарона ҳидини ҳидлайлик,
ниқоб чеҳрамизни отайлик.
Бошқа томон тирқишидан қарайлик,
хатарни силаш учун очайлик.
Хавотирни елпиғичда елпийлик.
Топинмайлик на қочиш йўлига,
на паноҳ кенглигига,
Шошмайлик,
на яқин ёруғлик томонга,
ва на узоқ ноаёнга.
Чанқоқни қондирайлик,
сўнгра булоқ томон борайлик.
Тонгда душманни танийлик,
ва қуёшга ишора қилайлик.
Ҳеч қаршисида қолдик,
Ҳеч олдида эгилдик,
онанинг намозини бузмайлик.
Турайлик ва дуо қилайлик:
Лабимиз хомушлик атрини таратсин!
Ёнимизда дардсиз кеча, узоқлашайлик.
Ёнимизда шўрсизлик илдизи, узиб олайлик.

Титрамайлик,
ботқоққа оёқ қуяйлик,
ботқоқни уйғотайлик.
Оловни ювайлик,
қамишзор шивирини кул қилайлик.
Томчини ювайлик,
денгизга тўлқин берайлик.
Оҳ, насимдек эсайлик,
абадий эсайлик.
Эгилайлик, очиқ кўз ла эгилайлик.
Бу чоҳга тушайлик,
парвосиз тушайлик.
Ўзликни танийлик,
тинчлигимиз соябони ахир биз,
Биз тошнинг эсишимиз,
биз эсадиган тошмиз.
Биз қадам кечасимиз, кечанинг қадамимиз.
Парвозмиз, қуш йўлига нигоронмиз.
Тўлиб оқайлик, кўзани кутайлик.
Кечаги мевадек
хаёлни пишмай тердилар,
шубҳа пишиб, чириди.
Келинг, яхши ёмон
шўразоридан кетайлик.
Ариқдек ойна бўлайлик:
дарахтга дарахт бўлайлик.
Иккиликни икки томонга ташлайлик,
ҳар лаҳза қўйиб юборайлик.
Кетайлик, кетайлик,
мангуликни хиргойи қилайлик.

ТУНГИ МЕВА

Ёмғир сингган боғ нур ичарди
Ҳўл майсаларга титроқлар кирди
боққа келди у ёруғ, нурафшон,
Сояси кўринмас эди,
яширарди паст- баландликлар.
Шохлар эгилади йўлига иниб
Қўлларин узатар сармаст.
Унинг жаҳони кенгроқ эди,
япроқдан кўра,
Боғ майсалар тароватига
лиммо-лим, тўла,
Яшилланган эди, ложувард,
Унинг кўнгли эса, яшилроқ...
Лиммо-лимроқ эди баридан.
Йўлида бир дарахт жонланди
Меваси ранг олди қўрқувдан
Нур тушди яшинган жойига
Бетайин тушини эслади.
Жунунлик жўш урди қонида
ўзидан узоқлашди,
қўллари титради , дарахт қичқирди,
Териш шавқи қўзғолди бирдан,
қурқувни илдизидан қўпорди,
Қўллар меваларни уза бошлади...

ДУО

Нурни босиб ўтдик,
олтин даштни ёзиб ўтдик,
Афсонани тердик,
эскирганини ташладик
Қумлоқ ёнида,
қуёшнинг сояси бизни силади.
Бир лаҳза тўхтадик
Рамзнинг кенг дарёси бўйида
уйқуларнинг бошини кесдик
Булут келди, кўзларни юмдик
Зулматни йиртдик,
Заҳрони кўрдик, чўққига чиқдик,
Яшин пастга тушди ва бизни дуода кўрди.
Титраб йиғладик, кулиб йиғладик
Сел ёғди, кўнгиллар бирга ёғди,
Қоралик кетти, мовий осмонга бош қўйдик,
Осмонларга етиб бордик,
Сояни қирга қўйвордик,
Табассумни бўшлиққа сочдик,
Сукутимиз бирлашди, ва биз “Биз” бўлдик.
Ёлғизлигимиз олтин даштга чизилди,
Қуёш бизнинг юзимиздан кўркди,
Тушундик ва кулдик,
Яширдик ва куйдик
Қанчалик яқинрок, шунчалик ёлғизроқ
Чўққидан айрилдик.
Мен тупроққа келдим ва банда бўлдим.
Сен кўкка юз тутдинг ва Худо бўлдинг.

МЕҲРОБ

Бўшлик ва шаббода,
Қоронғулик ва юлдузлар бор эди,
Борлиқ бор эди ва бир хиргойи,
Лаб бор эди, титроқ ва бир ҳовуч дуо.
“Мен” бор эдим ва биргина “Сен”
Намоз бор эди ва бир гувоҳ -
Меҳроб!..

АНДУҲ ШАРҚИ
(мажмуадан намуналар)



ҲЕЛЛО

Ёлғиз нимани тамоша қиляпсан?
Юқорида, бир кунли нурнинг гули.
Пастда, шамол қоронғулиги.
Бекорга кутма, шоҳдан тун тушмайди ва Худонинг
дарчаси ёруғ эмас
Фалак япроғидан, юлдузлар шабнами учиб кетар.
Сен қолмайсан, чўчишнинг катталиги,
нигоҳнинг устуни, ғамнинг ўрами ҳам.
Бекорга кутма.
Ўрнингдан тур,
Бир гулнинг ваҳми ер юзини тунга айлантирди.
Йўлга туш, балиқнинг айланавериши,
Ғам юкини ўз бўйнига қўйди.
Чигирткани эшитгин: ғамли дунёдир дунё,
Худоси йўқ,
ва бир Худо бор, бир Худоки...
Кечки пайт ҳидлаб кетгин, бир гўзал чеҳра,
ўзга тушда кўргин.

ПОДМЕҲ

Ўсади. Ўрмонда сокинлик рўё эди.
Шабнамлар жойида эди.
Эшиклар очиқ, томошо кўзи очиқ, тамоша кўзи нам,
ва Худо ҳар жойда... шундайми?
Ҳар муштда бир қуёш: Нигоҳнинг томи юқорида эди.
Ҳидларди. Гул очилганмиди? Ҳидлаш бизсиз эди:
Гўзал эди.
Ёлгизлик танҳо эди.
Кўринмас пайдо эди.
“У” у ерда, у ерда эди.

НЕЧА

Мана бу ерда, келинглар, деразаларни очинглар,
эй “мен” ва бошқа “мен”лар:
Сувда юз “мен” жилолари!
Ёритувчи тўлин ой, қара япроқ титрашига,
менинг фикрим, ўлим йўлида.
У ерда нилуфарлар бор, жаннатга, Худога эшиклар.
Бу ерда айвон, ақлнинг жимлиги, руҳиятнинг парвози.
Замон боғида ёлғиз қолмадик.
Эй тош ва нигоҳ,
эй ваҳм ва дарахт, қолмадик-ми?
“Қоялар - мен” менман, “шох - сен” сенсан.
Бу том гул экан, ҳа,
бу том тупроқ гули экан ва мен ва тахмин.
Бу рангдаги доғ нима эди? Бу енгил тутун?
Капалак ўттими? Эртак чиқдими?
Йўқ, бу доғли ранг, бу енгил тутун,
капалак эмас эди, мен ва сен эдик,
эртак эмас эди, “биз” ва “сиз” эдик.

САЛОМ

Ўсишлар асосисан, денгизсан, тамоша ниҳоясисан.
Сен яшнадинг: олам боғи намланди, ўзгарди.
Яна тонг отди, қуш қанот қоқти, бир шох синди:
Сокитлик мавжуд.
Мени ўйқу босди, бир туш кўрдим:
Тушда мовийни ялтираши,
сувда япроқ қалтираши.
Бу томон ўлим зулмати, у томон япроқ гўзаллиги.
Булар-чи? Улар нима?
Замонлар зичлиги нима?
Бу гулларди, томошадан қўрқиб.
У ўтарди, денгиздан ҳайиқиб.
Меҳроб шуъласисан, нур сочасан.
Мен ҳечман: Уйқу ўрами.
Сенинг ғаминг нарвонига чирмашаман.
Парвознинг зулматисан, овозсиз рўёсан,
тўлқинсизсан, рангсизсан,
ҳамоҳангли денгизсан!

ЎТИШ ЖОЙИ

На сен қўриқлайсан, на тоғ.
Бу боғнинг меваси: ташвиш, ташвиш.
Айт, ғам таратсин, сенинг кўзанг ташна. Гул тушиб кетди, сенинг ҳидинг.
Бу шавқ печаги, суғоргин, сувга тўйинтиргин.
У болачаси, ҳикоя айтиб бергин, ухлатгин.
Бу ақл лоласи, танасидан териб олгин.
Ўчиб кетди, бўлди.
Худонинг кўзи намланди,бўлди.
Ва Худо сендан баландроқда.
Йўқ, у ёлғизроқ, ёлғизроқ.
Бир қанот йўқ, ўчадиган оят бор.
Ҳеч ким йўқ, бир овознинг риштаси бор.
Акс садо:
Рўё учиб кетди.
Шув этди:
Бир сир, эшикдан чиқиб кетди.
Фикр:
Сомон бор эди, бизнинг охирга солдилар.
Ёлғизлик: Бизнинг кўлмакга қўйдилар.
Бу оқар сув, биз оддийроқмиз. Бу соя, бемажолроқмиз.
На сен қоласан, на мен,
Ёшга тўлган кўзларингни оч.
Ўлим келди, эшик оч.

ТУҒЁНИМГА

Мен созман, овозга ҳамрозман,
эринмай олгин, олгину чалгин,
Томиримга “Ло” чертгин, фанонинг йўлин тутгин.
Тутунман: ўралиб, сирғалиб кетаман, йўқман.
Ёнгайман, ёнгайман: ўтинч фонусиман,

Сен мени ёққин, ёққину киргин.
Ойна бўлдим, нурдан, соядан қутулдим.
Дев келди, пари келди, дев бўлдим, пари бўлдим.
Бехабарлигим билдим.
Бошим устида Қуръон, ёстиғим Инжил,
тўшагим Таврот,
Ич кийимим Авесто.

Туш кўраман: сувдаги нилуфарда бир Буддо.
қайдаки дуо гули унган бўлса, тердим мен,
Гуллар бўлди бир даста, меҳробинг қўл етмасдир.
У — баландда, мен — пастда.
Сўзларим муаттарми? “Кел” шамоли учирди.
Мен келдим емаксиз “Қаер” тоғига.
Гул тердим, гул едим.

Қоним томиримда туғён қилмоқда,
чашмангдан сув сепгин, сув сепгин.
Ва менга бир қултум сувингни бахш этгин.
Гўзаллик бағишла туғёнларимга.
Қўзғатгил шамолни, синдир сўз эшигин.
Товушнинг ковушин тозала,
“Нега”нинг овозини ўчиргин.
“Мен”, “Биз” ва “Сиз” мавжини тарқатгин.
Шабнамдан рангсиз бир лолага қадар гул ўтқаз.
Кўзимга бу рўёдан гул ўтқаз, гул ўтқаз.

BODHI

Бир он эди, эшиклар очилган эди,
На бир барг, на бир шох, фано боғи кўринар эди,
Хомушлик макони қушлари,
бу ҳам хомуш, у ҳам хомуш.
Хомушлик тилга кирганди.
Ана у кенглик нима эди:
Бир қўй билан бўри йўлдош бўлганди.
Садо нақшнинг ранги синиқ,
нидо нақшнинг ранги синиқ.
Парда туширилганмиди?
Мен кетган, у ҳам кетган, биз – бизсиз бўлганди.
Гузаллик ёлғиз қолган эди.
Ҳар дарё, денгиз,
ҳар бир мавжудлик, Будда бўлганди.

СУВ БЎЙИДА

Ўтган кеча, сув бўйида, шайтон хиргойи қиларди.
Тун эди ва чироқча бор эди,
Шайтон бир ўзи, ёлғиз эди.

Шамол бўлган эди, ёмғир шаррос қуйган эди:
тун ҳўл, гуллар шалпайган эди.
Аллақандай ҳид
Тўсатдан
Дарё ойнаси, бир ғам нақшин кўрсатди:
Шайтон сув бўйида эди
Қора тупроқ эса уйқуда.
Ҳиргойи тинарди.
Шамол эсиб, бир сирни олиб кетарди.

ТОКИ

Теппага чиқ, теппага. Нигоҳ бандини синдир,
ҳамда қорани синдир.
- Келганман, келганман, ўзга ҳид эшитаман,
ўзга шамол эсмоқда.
Бошим устидаги тол ўзга, қуёш ўзга.
- Сенинг шаҳрингмас, сенинг шаҳрингмас,
Замон қўнғироғини эшитяпсанми:
Томчи томди. Сенинг кетингдан соя югурди.
Сенинг шаҳринг узоқ вилоятларда,
ўзга водийлардадир.
- Келганман, келганман, сирпанади қотган қоя,
дарахт овозини эшитаман.

- Сенинг шаҳрингмас, сенинг шаҳрингмас.
Нега бургут қанотлари чарчаган? Ер уйқуга чанқоқ?
Нега ўсмоқ, ўсмоқ, ва рамзни ҳидламоқ?
Сенинг шаҳрингни ранги ўзга, тупроғи, тоши ўзга.
- Келганман, келганман, на дарвоза, на эшик ёпилган,
жинлар ҳар томонда, ўтгин.
Ҳар эртакни бор Худолари.
На хавотирдаги кўзи,
ва на сиғинишдан номи.
- Сенинг шаҳрингмас, сенинг шаҳрингмас,
Кафтларида гўзаллик косаси, лабларида доноликнинг
аччиқ таъми.
Сенинг шаҳринг бошқа жойда, йўл олиб борар ўзга
оёқ билан.
- Келганман, келганман, деразалар гулламоқда.

Кўча томонсизликка тушиб кетибди,
додсизликка, войсизликка.
- Сенинг шаҳрингмас, сенинг шаҳрингмас,
Хомушлик эсишида, юзлар эсламаслик тутунида.
Сенинг шаҳринг номи ўзга, чарчамадингми, коми ўзга.
- Келганман, келганман,
эшиклар “Йўқ”лик шамоли ўтиш жойида.
Уйни “Ўз”дан бўшатиб,
иккиликнинг жомини синдириб,
замин узра, замон узра “Бир”нинг сояси.
- Сенинг шаҳринг бу ҳам эмас, у ҳам эмас.
Сенинг шаҳринг йўқолмаганда, топилмас эди.

СУВ ОДИМИНИНГ ТОВУШИ
(манзума)



СУВ ОДИМИНИПГ ТОВУШИ

Онамнинг бедор тунларига бағишлайман.

Кошонликман,
Турмушим ёмонмас.
Бир бурда нонга, бир оз ақлга, игнанинг учидек
илҳомга эгаман.
Онам бор, дарахт баргидан тузукроқ,
Дўстларим, оқар сувдан афзалроқ.

Парвардигор шу яқингинада:
Мана бу шаббўйлар бўйида-ю,
ҳув баланд қарағай ёнида.

Ҳар нарсадан хабардор сув юзида-ю,
Гиёҳнинг бўй чўзиб ўсишида.
Мусулмонман,
Қиблам – бир қизил гул.
Жойнамозим – булоқ, муҳрим – нур.
Дашт – менинг саждагоҳим.
Мен деразалар ларзасидан покланаман.
Намозимда ой сузилади, айланади камалак.
Намозим ортидан кўринади тош:
Намозимнинг зарралари биллурга айланган.
Мен намозимни сарв минораси бошида
Азонини шамол айтган чоғда ўқийман.
Мен намозимни ўтнинг “такбирул эҳроми”да
Мавжнинг “Қад-қомат”и изида адо этаман.

Менинг Каъбам сув бўйида
Менинг Каъбам ақоқиёлар тагида.

Менинг Каъбам шабададек боғдан боққа,
шаҳардан шаҳарга кўчиб юради.

Боғнинг ёруғлиги “Ҳажар-ул асвад”им.

Кошонликман.
Касбим рассомликдир,
Гоҳида қалам билан бир қафас чизиб, сизларга сотаман.
Токи унга қамалган лолақизғалдоқ саси
Танҳо юракларингиз баҳрини очса...

Хаёл, ҳаммаси хаёл, биламан,
Тасаввурим жонсиздир.
Яхши биламан, чизган ҳовузим балиқсиздир.

Кошонликман.
Насабим балким
Ҳинддаги бир гиёҳга,
балким “Сийлак” гумбази тупроғидан бир сафолга,
Балким, Бухоро шаҳридаги озод бир аёлга етиб борар...

Отам қалдирғочларнинг икки бор келиши,
икки қор ёғиши,
Икки бор супада ухлаш даврида,
Замонлар ортида оламдан ўтганлар.
Отам вафот этганда, осмон кўм-кўк эди,
Онам хабарсиз уйқудан чўчиб уйғонди,
синглим гўзалроқ бўлди.
Отам вафот этганда, қоровуллар бари шоир бўлганди.
Баққол мендан сўради: нечта қовун хоҳлайсан?
Мен ундан сўрадим: бир тилим дилхушлик қанча?

Отам расм чизарди.
Тор ясаб, ҳам чаларди.
Ёзуви ҳам чиройли эди.

Боғимиз донолик сояси томонда эди.
Бизнинг боғ ҳис ва гиёҳ туташган жойда,
Бизнинг боғ нигоҳ, қафас ва ойна бирлашган
нуқтада эди.
Бизнинг боғ нур, қуш ва нигоҳ учрашган жойда эди.
Бизнинг боғ балким, саодатнинг яшил доирасин
бир бўлаги эди.
Худонинг пишмаган мевасин
ўша кунлар уйқумда чайнардим.
Фалсафасиз сув ичардим.
Билимсиз тут терардим.
Анор ёрилиб, пишгач, қўл унга хоҳиш
фаввораси бўларди.
Токи чолиқуш куйлар экан, эшитиш завқидан
юрак куярди.

Гоҳо ёлғизлик дераза ортига юзин тирарди.
Шавқ келарди, қўлини ҳиссиёт бўйнига ташарди.
Фикр ўйнарди.
Ҳаёт зўр ва у ажиб байрамга,
чумчуқ тўла чинорга ўхшарди.
Ҳаёт ўша дамларда менга нур ва қўғирчоқлар қатори,
Бир кучоқ эркинлик эди.
Ҳаёт ўша дамларда, мусиқа ҳовузи эди.

Болалик эмаклаб ниначилар кўчасидан
секин-секин узоқлашди,
Мен ўз юкимни боғлаб хаёлот шаҳридан кетдим,

Кўнглимда ниначи фироғи.
Мен дунёга кетдим, меҳмон бўлгани
Ғам-андуҳ даштига,
Ирфон боғига,
Билимнинг нурафшон айвонигача бордим,
Мазҳаб зинасидан юксакроқ чиқдим,
То шак-шубҳа кўчасин тагига,
Эҳтиёжсизликнинг салқин ҳавосигача,
Севгининг шалаббо оқшомигача бордим.
Мен ишқнинг нариги бетида
бир кишининг васлига етдим.
Бора бора аёлга етдим.
То лаззат чироғи,
Истак сукути,
Танҳолик қанотин овозигача бордим.

Ер юзида нарсаларни кўрдим:
Ойни ҳидлаётган гўдакни,
Ёруғлик типирчилаётган дарчасиз қафасни кўрдим.
Севгини малакут томига етказувчи нарвонни кўрдим.
Нурни ўғирда янчаётган аёлни кўрдим.
Уларнинг тушлик дастурхонида нон, яшил ликобчада
шудринг, бир коса қайноқ севги бор эди.

Мен уйма-уй юриб чаковакқуши овозин
истаган гадони
Ва биргина қовун пўчоқ учун ҳам намоз
ўқиган фаррошни кўрдим.

Варрак ямлаётган қўзичоқни,
Бедани тушунадиган эшакни,

“Насиҳат” яйловида тўқ бир сигирни кўрдим.

Шоирни кўрдим, савсан гулига мурожаат
қилганда уни “сиз” дерди.

Сўзлари биллурдан терилган китобни,
Баҳордан ясалган қоғозни,
Майсалардан узоқ музейни,
Сувдан йироқ масжидни;
Ноумид фақиҳнинг ёстиғи устида, саволга лиммо-лим
кўзани кўрдим.

Кўрдим “иншо” юклаб олган хачирни,
“Панду масал”нинг бўш саватин юклаб олган туяни,
Ботмонлаб “ёҳу” юклаб олган орифни кўрдим.

Поездни кўрдим, ёруғлик таширди.
Фиқҳ ортиб, зўрга кетаётган,
Сиёсат юклаб олган (бўм-бўш) эди.
Нилуфар уруғию сайроқи қуш овозин
ташиётган поездни кўрдим.

Минглаб қадам фалак авжида тайёра кўрдим,
Ойнасидан тупроқ кўринарди унинг;
Кўринарди попишак кокили,
Капалак қанотининг холлари,
Ҳовуздаги қурбақа акси,
Бир пашшанинг танҳолик кўчасидан ўтиши,
Чинор устидан, ерга қўнаётган бир чумчуқнинг
ёруғ истаги
Ва юксалган қуёш,

Ҳамда қўғирчоқни тонг бирла чиройли қучоқлаши
кўринарди;
Шаҳват гулхонасига борадиган зиналар,
Алкагол ертўласига
Қизил гулнинг бузилиш қонунига
Ҳаётнинг риёзий идрокига
Лаззат томига борадиган зиналар кўринарди.

Онам ҳов пастликда
Пиёлаларни хотира дарёсида юварди.

Шаҳар кўринарди:
Тош-метин деворларининг шаклий ўсиши,
Шифтлари кабутарсиз юзлаб автобуслар...
Гул сотувчи гулларини кимошди савдосига қўярди,
Бир шоир икки настарин дарахти
орасига арқон боғларди,
Мактаб деворига бир бола тош отарди,
Бир гўдак отасининг рангсиз жойнамозига
ўрик данагини туфларди.
Бир эчки жуғрофий харитадаги:
“Хазар”денгизидан сув ичарди.

Дорда либос кўринарди: рангсиз сийнабанд.

Аравaнинг ғиллираги отни тўхтаб қолиши ҳасратида,
От аравакашнинг ухлаб қолишин ташвишида,
Аравакаш эса ўлимин дардида. \
Ишқ кўринарди, мавж ҳам бор эди.
Қор кўринарди, дўстлик ҳам бор эди.
Калима ҳам мавжуд эди.

Сув бор эди, унда ашёларнинг акси бор эди.
Иссиқ қондаги тўқималарнинг салқин соягоҳи,
Ҳаётнинг рутубатли томони,
Инсон табиатида андуҳнинг шарқи,
Аёл кўчасида беҳуда кезиш фасли,
Фасл кўчасида ёлғизлик ҳиди.

Ёзнинг қўлида бир елпиғич кўринарди.

Уруғнинг гулгача бўлган сафари.
Печакгулнинг хонадан хонага бўлган сафари.
Ойнинг ҳовуздаги сафари.
Ҳасрат гулининг тупроқдан бош кўтариши.
Ток ниҳолининг девордан қуйилиши.
Уйқу кўприги устига шудрингнинг ёғилиши.
Ўлим хандақидан шодликнинг учиб кетиши.
Сўздан сўнг ҳодисанинг юз бериши.

Бир тирқишнинг нур хоҳиши билан жангги.
Бир зинани қуёшнинг баланд оёғи билан жангги.
Ёлғизликнинг бир овоз бирла жангги.
Нокларнинг саватдаги бўшлиқ билан гўзал низоси.
Анор ва тишнинг қонли жангги.
“Фашист” ларнинг нафис новдалар билан жангги.
Тўтиқушнинг зукколик бирла жангги.
Пешонанинг тошмуҳр совуқлиги билан жангги.

Саждалар билан масжид кошини ҳамласи.
Шамолнинг совун кўпикларига ҳамласи.
Капалаклар лашкарларнинг “даф-э, офат”
дастурига ҳамласи.

Ниначилар тўдасининг “қувурсоз”
ишчилари сафига ҳамласи.
Тош босманинг патқаламга ҳамласи.
Сўзнинг шоир тилига ҳамласи.

Бир шеър қўли билан бир асрнинг эгаллаб олиниши.
Бир сор савти билан бир боғнинг эгаллаб олиниши.
Икки қўл саломи ила кўчанинг эгаллаб олиниши.
Уч-тўрт ёғоч отлиқ қўли билан бир
шаҳарнинг босиб олиниши.
Бир копток, икки қўғирчоқ шавқи ила бир
байрамнинг эгаллаб олиниши.

Тушдан кейин ёстиқ устидаги бир шилдироқ
овознинг тиниши.
Уйқу кўчаси бошида бир қиссанинг тўхташи.
Куйнинг амри ила ғам-ғуссанинг тарқалиши.
Ёрқин чироқ фармони ила ой нурининг чекиниши.
“Давлат” қўли билан бир толнинг кесилиши.
Ях гули қўли-ла бир маҳзун шоирнинг қатл этилиши.

Ер юзида ҳаммаси мавжуд эди:
Тартиб Юнон кўчасидан ўтарди.
Бойўғли “муаллақ боғида” сайрарди.
Шамол Хайбар довонида тарих хашакларидан
бир ўрамини Шарққа ҳайдарди.

Тинч “Нагин” кўлида бир қайиқ гул таширди,
Банорасда ҳар кўчанинг бошида мангу чироқ ёнарди.

Одамларни кўрдим.

Шаҳарларни кўрдим.
Даштларни, тоғларни кўрдим.
Сувни кўрдим, тупроқни кўрдим.
Нур ва зулматни кўрдим.
Баъзи гиёҳларни нурда, баъзисини зулматда кўрдим.
Баъзи жонзотларни нурда, баъзисини зулматда кўрдим.
Инсониятни нурда, инсониятни зулматда кўрдим.

Кошонликман, аммо,
Менинг шаҳрим Кошонмас.
Менинг шаҳрим йўқолгандир.
Мен тер тўкиб, туннинг бошқа томонида бир уй
қурганман.

Бу уйда шабнамли ўтнинг ном-нишонсизлигига яқинман,
Мен боғчанинг нафас товушини эшитаман.
Бир япроқдан тўкилаётган вақт зулматининг товушини,
Дарахт орқасидан ёруғлик йўталини,
Ҳар тошнинг орасидан сувнинг аксиришини,
Баҳор шифтидан қалдирғочнинг чуғурлашини.
Ёлғизлик дарчаси очилиб-ёпилишининг тиниқ овозини,
Номаълум муҳаббатнинг бокира товушини,
Қанотда учиш завқининг пасаювчи сасини
Руҳнинг юксакликдан айрилиш ноласини,
Чин истак қадамининг товушини эшитаман.
Томирдаги қоннинг қонуний қадам овозини,
Қудуқ каптарларининг тонгдаги парвози,
Жума кечасидаги юракнинг уришини,
Чинни гулнинг хаёлдаги жараёнини,
Олисдан ҳақиқатнинг беғубор кишнашини,
Ва модда эсишининг овозини эшитаман.

Шавқ кўчасидаги иймон ковушининг овозини,
Нам севгининг кўзлари устидаги ёмғир товушини,
Етукликнинг ғамли мусиқасини,
Анорзорлар ноласини,
Тунла шодлик шишасининг парчаланишини,
Гўзаллик қоғозининг пора-пора бўлишини,
Ғурбат косасининг шамолдан бўшаб-тўлишини эшитаман.

Мен ернинг ибтидосига яқинман.
Гулларнинг юрак уришини санайман.
Дарахтнинг яшиллик одатию сувнинг намлик
қисмати ила танишман.

Менинг руҳим ашёнинг янги томонида оқади.
Менинг руҳим ёш.
Руҳимнинг гоҳо шавқдан йўтали тутади.
Менинг руҳим бекорчидир.
Ёмғир томчиларию ғиштлари дарз кетган
жойларни санайди.

Менинг руҳим гоҳо йўл бошидаги тош мисоли
ҳақиқатга эга.

Мен икки қайиннинг бир-бирига
душманлигини кўрмадим.
Мен толнинг ўз соясини ерга пуллаганини кўрмадим.
Қайрағоч шохларини қарғага текин бахшида айлайди.
Япроқ бор жойда, менинг ҳаяжоним гуллайди.
Кўкнорнинг бўтаси борлиқ оқимида мени ювган.

Ҳашорат қанотичалик, тонг оғирлигини биламан.

Гулдон мисоли ўсиш мусиқасига қулоқ соламан.
Мевага тўла бир сават сингари, тезроқ
манзилга етиш истагидаман.
Майхона каби хасталик чегарасидаман.
Денгиз бўйидаги бир бино каби, мангу баланд
тортишишдан ҳадикдаман.

Агар хоҳласанг нур соч, хоҳласанг боғлан,
Хоҳласанг кўпайиш.

Мен бир олма билан бахтиёрман.
Масрурман мойчечак бўтасини ҳидлашдан,
Мен бир ойна ва бир пок дийдор
билан қаноатлангум.
Пуфак бехосдан ёрилса кулмайман.
Агар бир фалсафа ойни иккига бўлса кулмайман.
Мен бедана қанотининг овозини танийман,
Тоғ эчкисининг туёқ изини, хуборақуш
кўксининг рангларини ҳам.
Равоч қаерда ўсишини,
Чуғурчиқ қачон келиши, каклик қачон сайраши,
лочин қачон ўлишини,
Биёбонда ухлаганда ой нелигини,
Истак новдасидаги ўлимни,
Тишларнинг қучоқлашиш остидаги ертути
лаззатини яхши биламан.

Ҳаёт ёқимлидир.
Ҳаётнинг ўлим уфқларидек қанотлари бор,
Парвозлари бор муҳаббатга тенг,
Ҳаёт, сен ва менинг эсимиздан

чиқиб кетадиган одат токчаси устидаги нарса эмас.
Ҳаёт тергувчи қўлнинг жозибасидир.
Ҳаёт янги қора анжирнинг ёз оғзида қамашишидир.
Ҳаёт ҳашорат кўзидан дарахтгача бўлган узоқ масофа.
Кўршапалакнинг тундаги тажрибасидир.
Ҳаёт бир муҳожир қушдаги мавжуд бўлган ғариблик ҳисси,
Уйқу кўпригидан қайрилаёгган поезднинг
чинқириғидир.
Ҳаёт –тайёранинг тор ойнасидан пастдаги боғчага
боқиш.
Фазо кемасининг учганлик хабари,
“Ой”нинг ёлғизлигини силаш,
Бошқа сайёрада гулни ҳидлаш илинжидир ҳаёт.

Ҳаёт ликопчани ювишдир.

Ҳаёт, бу кўчадаги ариқчадан ўн тийинлик танга
топиб олишдир.
Ҳаёт, бу кўзгунинг “квадрат”и дир.
Ҳаёт, бу гулнинг абадиятга “даражаси”,
Ҳаёт– юрагимиз зарбида ерни “кўпайтма”си,
Ҳаёт оддий ва бир хил нафаслар “ҳандасаси”дир.

Қаерда бўлмайин,борман,
Осмон меникидир.
Дераза, фикр, ҳаво, ишқ, ер меникидир.
Гоҳида ғурбат кўзиқоринларини
Ўсиб чиқишининг
Нима аҳамияти бор?

Мен тушунолмайман —
Нима учун отни олижаноб ҳайвону кабутарни гўзал

дейишади.
Ва нега ҳеч кимнинг қафасида бургут бўлмайди.
Йўнғичқа гулининг қирмизи лоладан нима кам бор?
Кўзларни ювмоқ, ўзгача кўрмоқ керак.
Сўзларни ювиш лозим.
Сўз ёмғирдек мусаффо бўлмоғи керак.
Соябонларни ёпмоқ,
Ёмғир остига бормоқ керак.

Фикрни, хотирани ёмғир остига келтирмоқ керак.
Шаҳарнинг барча аҳолиси билан ёмғир остига
бормоқ керак.
Дўстни ёмғир остида кўрмоқ керак.
Ишқни ёмғир тагидан қидириш керак.
Аёл билан ёмғир остида юрмоқ керак.
Ёмғир остида сайр этмоқ керак.
Ёмғир остида нилуфар гулини экмоқ, гапирмоқ, бирор
нарса ёзмоқ лозим.

Ҳаёт пайдар- пай ҳул бўлишдир.
Ҳаёт “ҳозир” ҳовузчасида чўмилишдир.

Либосларни ирғитайлик:
Сувгача бир қадам.

Ёруғликни симирайлик.
Бир қишлоқ тунининг оғирлигин ўлчайлик,
бир кийикнинг уйқусинию
Лайлак уясининг тафтини идрок этайлик.
Чаманзор қонунини оёқости қилмайлик.
Узумзорда таъм тугунини ечайлик.

Ой чиққанда ҳайратга чўмайлик.
Тунни ёмон нарса деб сўйламайлик.
Тилла қўнғизни боғ қарашидан бехабар деб билмайлик.

Саватни олайлик.
Барча қизилу яшилларни солиб кетайлик.

Эрталаб нонуштада нон ва пишлоқ еяйлик.
Ҳар сўз занжири бошига бир ниҳол экайлик.
Икки бўғин орасига сукут уруғини сепайлик.
Унда шамол эсмайдиган китобни,
Шабнам сиртин нам этмайдиган китобни,
Тўқималарнинг ўлчами мужассам бўлмаган китобни ўқимайлик.
Пашшани табиат бармоғи учидан учиб кетишин хоҳламайлик.
Йўлбарсни мавжудот эшигидан чиқиб кетишин хоҳламайлик.
Билайлик, агар қурт бўлмаганда ҳаётда нимадир етишмаган бўларди.
Шодлик бўлмаганда, дарахт қонунига зарба етарди.
Ўлим бўлмаганда қўлларимиз ниманидир излаб юрарди.
Агар нур бўлмаганда тирик парвоз мантиғи бошқача бўлишин билайлик.
Билайлик, маржондан илгари денгизлар бўшликдан иборат эди.

Қаердамиз, сўрамайлик,
Шифохонада очилган гулни ҳидлайлик.

Иқбол фаввораси қайда деб, сўрамайлик.
Ҳақиқат қалби нега кўк дея сўрамайлик.
Ота-боболарнинг қандай шомлари, қандай кечалари бўлганлигин суриштирмайлик,
Орқада тирик фазо йўқ.
Орқада қуш сайрамайди.
Орқада шамол эсмайди.
Орқада яшил сановбар деразаси ёпилган.
Орқада жами фаввораларни чанг қоплаган.
Орқада ҳорғин тарих.
Орқада хотира мавжи совуқ ва
ором садафни соҳилга ирғитган.

Денгиз бўйига бориб,
Сувга тўр ташлайлик,
Ундан тароватни олайлик.

Ердан бир дона қумни олайлик,
Оғирлигин сезайлик.

Иситмалаб қолганда тўлин ойни ёмон демайлик.
(Иситмалаганда гоҳо ойнинг пастга шўнғигани-ю,
Малакут шифтига қўл етишин кўрганман.
Саҳро қушнинг яхшироқ сайрашини кўрганман.
Гоҳида оёғимнинг жароҳати
Ернинг паст-баландини менга ўргатган.
Баъзида хасталик тўшагимда гулнинг ҳажми улканлашиб кетарди.
Фонус шуъласи-ю, норинж ҳажми каттароқ туюлади).
Ўлимдан ҳайиқмайлик.
(Кабутарнинг парвоздан тўхташи ўлим эмас,

Чирилдоқнинг ағдарилиб қолиши ўлим эмас.
Ўлим кўкноргули зеҳнида оқади,
Ўлим фикрнинг ёқимли об-ҳавосида жойлашган.
Ўлим қишлоқ тунининг моҳиятида тонгдан сўзлайди.
Ўлим узум шингили билан оғизга келади.
Ўлим томоқ-ҳалқумда куйлайди.
Ўлим шабпарак қанотининг чиройига масъулдир.
Ўлим гоҳо райҳон узади.
Ўлим гоҳо шароб ичади.
Гоҳида сояда ўтириб бизларга тикилади.
Ҳаммамиз биламиз
Роҳат бағишловчи ўпкалар ўлим оксигенига тўладир).

Тақдирнинг тирик сўзи юзига сира эшикни ёпмайлик,
чодирлар ортидан овоз эшитурмиз.

Пардани очайлик:
Ҳиссиётга ҳаво етишига имкон берайлик.
Балоғатни истаган бўтасининг остида тунашига
қўйиб берайлик.
Инстинктнинг ўйинини чекламайлик.
Оёғидагини ечсин, фасллар кетидан,
гуллар устидан учсин.
Ёлғизликнинг куйлашига қўйиб берайлик.
Бирор нарса ёзсин.
Кўчада кезсин.

Оддий бўлайлик.
Банкнинг кассаси ёнида бўлсак ҳам,
дарахтнинг тагида бўлсак ҳам, оддий бўлайлик.

Қизил гулнинг “сири”ни таништириш
бизнинг ишимиз эмас.
Бизнинг ишимиз, балким
Қизил гул “жоду” сида сузувчи бўлишдир.
Донолик ортида ўтов қурайлик.
Бир япроқ жозибасида қўлни ювиб
дастурхон устига борайлик.
Ҳар тонгда қуёш чиққач, қайтадан туғилайлик.
Ҳаяжонларнинг парвозига чегара қўймайлик.
Осмон, ранг, овоз, дераза, гул тушунчаларини намлайлик.
“Борлиқ”нинг икки бўғини орасига
осмонни жойлаштирайлик.
Ўпкани абадият-ла тўлдириб-бўшатиб турайлик.
Илм юкини қалдирғоч елкасидан ерга туширайлик.
Булутни, чинорни, чивинни, ёзни яна бир карра
англайлик.
Ёмғирнинг намли қадами узра муҳаббат тепалигига
чиқайлик.
Эшикни гиёҳ, ҳашорат, нур ва инсоният
юзига очайлик.

Бизнинг ишимиз эҳтимол,
Нилуфар гули ва аср ўртасида
Ҳақиқат овози изидан кетишдир.

Кошон, 1965 йил. Ёз.

ЙЎЛОВЧИ
(манзума)



ЙЎЛОВЧИ

Ашёнинг чарчаган ҳузури аро уфқ пайтида,
Вақтнинг ҳажмини фақат
интизор нигоҳ кўрарди...

Стол устида янги пишган мевалар талпиниши,
Ўлимнинг ноаниқ идрок этиши томонида жорий эди...

Шамол боғчанинг ҳидини гиламнинг фароғат юзида,
Ҳаётнинг текис ҳошиясини безатарди..

Елпиғич каби зеҳн, гулнинг нурли оғочини
Қўлига олган эди,
Ўзига шамол берарди...

Йўловчи автобусдан
Тушди:
«Нақадар осмон мусаффо!»
Ғурбат кўчасининг давоми уни олиб кетди...

Уфқ эди,
Гиёҳларнинг заковат товуши эшитиларди,
Йўловчи келган эди.

Қулай стул устида, чаман ёнида
Ўтирган эди:
«Кўнглим сиқилган,
Кўнглим жуда сиқилган!...»
Йўл бўйи бир нарсани ўйлардим,

Сойлар ранги ҳушимни оларди,
Йўлнинг чизиқлари даштнинг
Андуҳида йўқолган эди...

Мунча ажойиб сойлар!
Отни эсладингми,
Оқ эди у,
Поклик сўзи каби, чаманзорнинг
Яшил сукутини кавшарди,
Кейин қишлоқ йўлларининг рангли ғурбати...
Сўнгра тунеллар...
Кўнглим сиқилган.
Кўнглим жуда сиқилган.
Ҳеч нарса,
На бу норинж шохининг устида
Ҳомуш тортган хушбўй дақиқа...
На бу садоқатли сўз номозшомгулнинг
Икки барги сукути орасида...
Йўқ, ҳеч нарса мени атрофнинг бўшлиқ ҳужумидан
Қўйвормайди, қўйвора олмайди...

Ўйлайман, ўйларим,
Андуҳнинг маҳзун тараннуми
Абадиятгача эшитилади.
Йўловчи кишининг нигоҳи стол юзига тушди:
«Мунча чиройли олмалар!
Ҳаёт ёлғизликдан лаззатланиш..!»

Мезбон сўради:
Гўзаллик яъни нима?

- Гўзаллик яъни шаклларнинг ишқ ила таъбири.
Ишқ ва фақат ишқ,
Сени бир олманинг иссиқлигига буркайди,
Ишқ ва фақат ишқ,
Мени ҳаётнинг андуҳи кенглигига олиб борди,
Мени бир қуш имконигача олиб борди...

- Андуҳнинг ҳаётбахш дорисигачами?
- Бу дори ҳолис элексир овозини беради.

Ҳозир кеча эди,
Чироқ ёнган эди,
Чой ичардилар...

- Ёлгиз қолганга ўхшаб, нега кўнглинг ғаш,
Мунчалар ҳам ёлғиз?
- Хаёл қиламан...
Рангларнинг яширилган томирига тўқнашгансан,
Тўқнашиш яъни?..
- Ошиқ
- Ўйлагин, мунча ёлғиз
Агар кичкина балиқ,
Чегарасиз мовий денгизга дучор бўлса...
- Бунча қалтис ва ғамли фикр!
- Ғам гиёҳнинг яширин нигоҳининг табассуми.
Ғам ашёнинг ваҳдатини инкорига кўринмас ишораси...
- Мунча гиёҳларга яхши, нурга ошиқар,
Нурнинг ёйилган қўли уларнинг елкасида...
- Йўқ, васл мумкин эмас,
Ҳамиша бир масофа бор...

Сувнинг айланма шакли ёстиқ бўлса-да,
Кўнгил яйратувчи ва
оҳорли нилуфарнинг уйқуси учун,
Ҳамиша бир масофа бор...

Дучор бўлиш керак,
Бўлмаса ҳайратнинг икки сўз орасидаги замзамаси,
Ҳаром бўлажак.
Ва Ишқ
Ашё хилватининг нур сари юксак сафари...
Ва ишқ
Масофалар овози.
Бу шундай овозким,
- Ибҳомга чўккан, шўнғиган, яширинган,
- Йўқ,
Масофалар овозиким, кумуш каби покдир.
Бир ҳечни эшитгач, хира бўладилар...
Ошиқ ҳамиша ёлғиздир.
Ошиқни қўли сонияларнинг қақшаган қўлида...

У ва сониялар куннинг нариги томонига борадилар,
У ва сониялар нурнинг юзида ухлайдилар,
У ва сониялар жаҳоннинг энг яхши китобини
Сувга бағишлайдилар...

Яхши биладиларки,
Хеч қачон хеч бир балиқ
Дарёнинг минг бир тугунини ечмади.
Ярим кечалар ишроқнинг қадимги қайиғи
Ҳидоят сувларида равона бўладилар

Ажойибот тажаллисигача олдинга интиладилар.
Сенинг гапларинг ҳавоси одамни
Ҳикоя боғларининг кўчасидан ўтади
Бунақа сўзлар томирларида
Қандоқ янги ва маҳзун қон!

Ҳовли ёруғ эди
Шамол эсарди
Икки эркак сукутида туннинг қони оқарди.
«Хона –поклик хилвати.
Фикр учун мунча оддий ўлчами бор!
Кўнглим мунча сиқилган.
Ўйлашни ўйлагим йўқ»
Дереза ёнига борди,
Юмшоқ матоли курсига
Ўтирди:
Ҳали ҳам сафардаман
Ўйлайман:
Жаҳоннинг сувларида қайиқ бор –
Мен-қайиқдаги йўловчи-минглаб йил
Энг қадимги денгизчиларнинг тирик қўшиқлари
Фаслларнинг тирқиши қулоғига куйлайман
Олдинга юргизаман.
Сафар мени қаерга олиб боради?
Қаерда қадам изи батамом қолади
Пойафзал ипи фароғатнинг юмшоқ бармоқларида
Очилади?
Етишиш жойи қаерда, гиламни ёйиш учун
Фикрсиз ўтириш,

Қулоқ солмоқ
Яқиндаги кран сувида ювилган идиш овозига?
Қайси баҳорда
Пауза қиласан
Руҳнинг усти яшил япроққа тўлади?
Шароб ичиш керак,
Бир соянинг ёшлигида юриш керак,
Бўлди.
Ҳаёт қайси тарафда,
Мен қайси томонда,
Ҳудҳудгача етиб бораман?
Қулоқ сол, шу гап бутун сафарда
Уйқунинг дерезасини очиб ёпарди,
Нима деб йўл давомида
Қулоғинга пичирлади?
Тўғри ўйла,
Рамзли тараннумнинг
Яширилган данаги қаерда?
Нима сенинг юрагингни эзади,
Мунча иссиқ ва ёқимли оғирлиги?
Сафар узунмас эди:
Қалдирғоч ўтиши
Вақтнинг ҳажмини камайтирарди.
Том ва шамол мулоқотида
Ишоралар ақл бошланишига қайтарди.
Ўша дақиқада ёзнинг баландлиги
Жўшқин «жожруд»ига қарардинг
Нима бўлди,
Сенинг яшил уйқунгни чумчуқлар ўрарди?

Фасл, ўрмоқ фасли эди.
Терак шохида чумчуқнинг ўтириши билан
Фасл китобининг бети ўгирилди
Биринчи сатри бу эди:
Ҳаёт– «Ҳавво»нинг
Бир дақиқали рангли ғафлати.
Қарардинг:
Сигир ва чаман
ўртасида шамолнинг зеҳни эсиб турарди.
Фасл териси устида шоҳтут эсдалигига
Қарардинг,
Яшилтунлининг беда ўртасидаги ҳузури
Ҳиссиёт юзининг чандиғини янгилатарди.
Қара, ҳиссиёт юзида ҳамиша чандиқ бор.
Ҳамиша бир нарса, уйқунинг ҳушёрлигига,
Ўлимнинг мулойим
Қадамига ўхшаб ортдан келади,
Елкамизга қўлини қўяди,
Биз унинг бармоғлари
Ёруғлик ҳароратини
Хушхўр заҳарга ўхшаб
Ҳодиса ёнида бирданига ичамиз.
«Винеция», эсингдами,
Сокин канал юзида
Унда ер ва сувнинг шовқин баҳси
Вакт маншур ортидан кўринарди
Қайиқнинг қимирлаши,
Сенинг зеҳнингни қимирлатди:
Одат чангги томошо тарафига боғланган.

Ҳамиша янги нафас билан йўл юриш керак
Ва нафасни чиқариш керак,
Токи ўлимнинг олтин юзи топ тоза бўлсин.
Қаерда ренус тоши
Мен бир дарахт ёнидан келмоқдаман
Унинг териси устида
Ғурбатнинг оддий қўли
Из қолдирган эди:
«Эсдалик учун ёздим, соғинч мактуби»
Шаробни беринг.
Шошилиш керак:
Мен бир хамоса саёҳатидан келмоқдаман
Сув каби
Суҳроб ва нушдори қиссасининг ҳаммасини
Яхши биламан.
Сафар мени неччи ёшлигим
Боғи эшигига олиб борди,
Турдим то
Кўнглим қарор топсин,
Пар - пар овози келди
Эшик очилгач,
Мен ҳақиқат
Ҳужумидан ерга тушдим.
Яна бир бор осмон остидаги «наво»
У сафарда «Бобил» дарёси лабида
Ўзига келди,
Барбат навоси учган эди
Яхши қулоқ солсам,
Йиғи овози келарди,

Бир неча тобсиз барбат
Мажнунтолнинг ҳўл шохларида учарди.
Сафар йўлида,
Пок масиҳлик йўлбошчи
«Эрмиёи наби» хумушлик парси томон
Ишора қилардилар.
Мен баланд - баланд
«Жомоа китобини» ўқирдим.
Бир нечта лубнонлик деҳқон
Қари садр дарахтининг тагида
Ўтирган эдилар.
Цитрус ўз дарахтларининг миясида
Санардилар.
Сафар йўлининг четида
Ироқлик кўр болалар
«Ҳаммураби тасвири» хатига
Қарардилар.
Сафар йўлида жаҳон газеталарини
Ўқир эдилар.
Сафар ширага тўла эди...
Сафар саноат қўзғалони ичра
Қора тус олган,
Мой ҳиди келарди.
Сафар тупроғи устида
Шаробнинг бўш шишалари,
Инстикт излари, фурсат соялари,
Ёнма-ён эдилар...
Сафар ўрталарида,
Сил касал масканлари,

Йўтал овозлари келарди.
Фоҳиша аёллар шаҳарнинг
Мовий осмонида
«Реактив»ларнинг равшан изларига
Қарардилар.
Болалар варраклар кетидан чопардилар.
Хиёбон фаррошлари қўшиқ куйлардилар...
Буюк шоирлар
Муҳожир баргларга намоз ўқирдилар...
Сафарнинг узоқ йўли
Одам ва темир ўртасидан
Ҳаётнинг яширин
Жавҳари томон борарди,
Бир ариқ суви ҳўл
Ғурбатига қўшиларди,
Бир балиқ тангачалари ёруғлигига,
Бир сўз ошнолигига,
Бир ранг чегарасизлигига дучор бўларди…
Сафар мени экватор
Чизиқларига олиб борди,
Унинг сояси тагида бақувват
Яшил «Бониёнчилар» ни
Яхши эслайман
Зеҳн даласига кирган иборалар:
«Кенг бўлгин, ёлғиз, боши эгик, иродали...»
Мен қуёш суҳбатидан келмоқдаман,
Соя қаерда?..

Ҳали ҳам қадамлар
Баҳор йўлакларида гарангдир,
Термоқ ҳиди шамол қўлидан келмоқда,
Норинж ҳолати чанг остида,
Тегиниш ҳисси,
Беҳушлик ҳолидадир...
Ранглар тортишувини кашма - кашликда
Кимлар нима билади,
Менинг ўзлат тошим
Фаслнинг қайси нуқтасида?
Ўрмон ҳали ўзининг саноқсиз андозасини
Танимайди...
Барг ҳали ҳам
Шамолнинг биринчи сўзига минган.
Инсон ҳали сувга бир нарсалар айтади...
Чаман замирида бир баҳс ариғи оқади...
Дарахт мадорида
Каптар қаноти сасида,
Одамзод рафторининг ноаниқлиқ ҳузури.
«Ҳою ҳуй» овози келади.
Мен жаҳон шамолларининг
Ёлғиз хитобиман!
Жаҳон дарёлари маҳв
Бўлмоқнинг пок рамзини
Менга ўргатадилар,
Фақат менга.
Мен гунг сойининг

Чумчуқларини муфассириман,
Тибет манзилининг ирфон зирагини,
Банорас қизларининг
Зийнати йўқ қулоқлари учун
«Сернат» йўли четида изоҳ бердим...
Эй, «Веда»ларнинг тонги тароналари
Менинг елкамга қўйгин,
Тароватнинг бутун оғирлиги билан қўй!
Мен сўзлашнинг иссиғига дучорман,
Эй, Фаластин
Тупроғининг барча зайтун дарахтлари,
Ўзингизнинг фарофон
Сояларингизни менга хитоб қилинг!
«Тур» тоғи саёҳатидан
Келаётган бу ёлғиз йўловчи
«Ваҳий» ҳароратидан ҳаяжондадир...
Лекин мулоқот бир куни маҳв бўлади!..
Диққатнинг тарқалиши
Муҳташам капалаклари
Ҳавонинг асосий йўлини
Оппоқ қилади.
Бу вазнли ғам учун
Қандоқ шеърлар айтдилар?!
Ҳали ҳам бир
Киши дарахт тагида турибди.
Ҳали ҳам бир
Чавандоз шаҳар девори ортида

Қодисия фатҳи тушининг оғирлиги
Унинг ҳўл қабоғи устида ухлайди.
Ҳали мўғулларнинг
Сабрсиз отлари кишнаши
Беда полизи хилватидан баланд эштилади.
Ҳали ҳам Язд савдогари «зираворлик»йўлида
Ҳинд карвони ҳидига ҳушдан кетади.
Ҳали ҳам «Ҳомун»
Кўлининг товушини эшитяпсанми?:
Ёмонлик бутун ер юзини эгаллади.
Минг йил ўтди,
Бирон чўмилишнинг овози қулоққа эштилмади
Ва қиз қоматиининг тасвири сувга тушмади.
«Жумно» дарё соҳили устида,
Ярим йўлда ўтирган эдим,
Тожмаҳалнинг тасвирини сувда
Томоша қилардим:
Эликсир лаҳзаларининг мармар давоми
Ўлимдаги ҳаёт ҳажмининг олдинга бориши.
Қара, икки катта қанот
Сув руҳи ҳошияси томон сафардалар.
Кўлнинг ёнида ажиб учқунлар
Кел, идрок зулматини равшан қилгин,
Битта ишора етади:
Ҳаёт «Магор» тошини
Тахтага ором зарбасидир.
Сафар йуналишида

«Нишот боғи» паррандалари
Тажриба чанггини
Менинг нигоҳимдан ювдилар,
Менга бир сарвнинг
Саломатлигини кўрсатдилар.
Мен ҳиссиёт ибодатини,
Ҳолнинг равшан ҳурматига
«Тол» ёнига ўтириб
Илиқ хиргойи қилдим.
Ўтиш керак,
Узоқ уфқларга ёнма - ён бўлиш керак,
Гоҳида бир сўз томирига чодир тикиш керак,
Ўтиш керак
Гоҳида бир шох кафтидан тут емоқ керак.
Мен бир тағаззул ўтар эдим,
Барокот мавсуми эди.
Оёғим остида
Қумнинг ҳисоботи эзиларди.
Бир аёл эшитди,
Дераза ёнига келди, фаслга қаради.
Ўзининг ибтидосида эди
Унинг баьдавий қули
Дақиқалар шабнамини
Ўлим ҳиссиёти танасидан
Мулойим терарди.
Мен турдим.
Тағаззул қуёши баланд эди.

Уйқуларнинг
баҳорланишини асрардим
Ажиб гиёҳнинг
Энтикишини зеҳним танасида
Санардим:
Хаёл қилардим,
Чизиқсизмиз...
Хаёл қилардик
Равочнинг тутқаноғи
Ва асотир матни ўртасида
Сузамиз.
Бир неча сония ғафлат-
Бизнинг вужудимиз борлиги...
Гиёҳларнинг азал ибтидосида эдик,
Аёлнинг кўзи менга тушди:
Сенинг қадаминг шарпаси келди,
Шамолми деб ўйладим,
Қадимги пардалар устидан ўтди.
Ашёнинг атрофида
Сенинг қадаминг товушини
Эшитган эдим.
Қаерда чизгилар байрами?
Қара, мавжларга, менинг танамнинг нашрига,
Мен қай буюк томон сатҳига етаман?
Менинг борарим билан стаканнинг ҳўл чегарасини
Чанқоқлик сатҳига тўлдир.
Қаерда ва қачон ҳаёт

Бир идиш синдирмоғи каби аниқ бўлажак?
Майсанинг узиш асрорини
От оғзининг ҳарорати эритади?
Қўлларнинг чиройли йиғилиши, бир куни
Бир шингил узумни
Теришдаги овозини қулоқ билан эшитдик.
У қайси жой эдиким,
Ҳечлик устига ўтирдик?
Бир олма ҳарорати билан қўл ва юзни ювдик?
Маҳол учқуни вужуддан кўтариларди.
Қаерда ва қачон
Томоша қўрқуви латиф бўлажак?
Бир парранда йўлидан ҳам кўринмас бу ўлим
Жисмлар суҳбатида оққайин йўли
Мунча ёруғ бўлмаса!
Қайси йўл мени
Жудоликлар боғига олиб боради?
Ўтиш керак,
Шамол овози келади, ўтиш керак,
Мен йўловчиман,
Эй, ҳар галги шамол!
Мени баргларнинг
Шакли кенглигига олиб бор.
Мени болаликнинг
Лойқа сувларида оқиз.
Менинг пойафзалимни
Узумнинг комиллиги ва

Ҳокисорликнинг чиройли
Ҳаракатига тўлдир.
Менинг дақиқаларимни инстинктнинг
Оқ осмонида кабутарлардай ўчир.
Менинг вужудим ҳодисасини дарахт ёнида
Йўқолган бир покиза муносабатга ўзгартир.
Ва ёлғизлик танаффусида
Менинг шуурим туйнукларини очиб – ёп.
Мени жўнат, ўша кундаги варрак кетидан
Мени ҳаётнинг хилват хилқатига олиб бор.
«Ҳеч» нинг ором ҳузурини
Менга кўрсат”.

Бобул, баҳор 1966.

ЯШИЛНИНГ ҲАЖМИ
(мажмуаси)



ТУН ҚАБОҒИ УСТИДА

Тун тўлган эди,
Дарё сановбар дарахти тагидан то,
Кенгликлар сари ёйилиб оқарди...

Сой тўлинойга тўлганди,
Тоғлар ёруғликда эди,
Худо ҳам кўринарди...

Биз баландликда эдик,
Узоқлар кўринмас,
Текисликлар ювилган...
Нигоҳ бошқа кечалардан ҳам нафисроқ эди...

Қўлларинг саломнинг
Яшил шохини менга тутарди,
Одат саволи
Сенинг нафасларинг билан аста дарз кетарди...

Талпинишларимиз ўтган кунимиз шаробини ва
Ёз томирида оққан шиннисини
Тошга қўяр эди.
Тўлиной сири
Сенинг хулқингда.
Сен – олийсан, озодсан, тупроқга ярашгулик,
Ҳаётнинг яшил фурсати,
Тоғнинг салқин ҳавосига қўшиларди.
Соялар қайтарди,
Ҳали шаббода йўлда
Ялпизлар жимирларди
Жазавалар жазавага тушарди...

ЁРУҒЛИК, МЕН, ГУЛ, СУВ

Булут йўқ,
Шамол йўқ.
Ҳовуз бўйида ўтирибмиз:
Балиқлар сузади, ёруғлик, мен, гул, сув...
Ҳаётнинг бир пок шингили
Онам райҳон тераді, нон ва пишлоқ...
Булутсиз осмон ҳўл,
Ғолиблик яқин
Ҳовли гуллари ичинда.
Мис косасида нур бунчалар нозланади!?
Нарвон баланд девор бошидан
тонгни ер юзига туширар...
Яширин табассум ортида
ҳамма нарса яширин.
Замон деворининг тирқишидан
менинг чеҳрам кўринади
Мен билмаган нарсалар бор,
Биламан, агар чечакни узсам, ўламан!
Тепага учаман, авжгача етаман,
Болу парга айланиб бўлдим...
Зулматда йўл кўраман,
фонусга йўғрилган нигоҳлар
Мен нурга ва қумга тўлганман,
Дову дарахт менда мужассам,
Тўламан йўлга, кўприкка, дарёга ва мавжга,
Сувдаги баргнинг соясида ухлайман, тинаман.
Лекин... Нақадар, Нақадар ичим ёлғиз.

ЙЎЛ - ЙЎЛАКАЙ САЛОМ

Бир куни келгум
ва салом келтиргум.
Томирларга қуйгум нур
ва айтгум: Эй саватларингиз уйқуга тўлганлар!
Олма олиб келдим,
Қуёшнинг қизил олмаси!
Бир дона ёсуман гулини
Гадога бергум.
Чўтир юзли гўзал аёлга
тақдим этгум янги сирға.
Сўқирга айтгум: нақадар ажойиб боғнинг чиройи!
Бетайин бир дайди бўлгум,
Кўчаю кўйларда тентираб юргум.
Бонг ургум: Эй шудринг, шудринг, шудринг!
Йўловчи айтгай: чиндан ҳам қоронғу бир тун.
Унга бахш этгум Дубби Акбарни.
Неки ҳақорат бор, барин
Юлиб олгум лаблардан.
Ҳар қандай тўсиқни ўртадан кўтаргум.
Қароқчиларга айтгум:
Табассум юкланган карвон келмоқда!
Булутларни тарқатгум.
Қамаштиргум кўзларни қуёшга,
Қалбларни ишққа, шохларни елларга тўлдиргум.

Қалдирғочлар куйига
Қориштиргум гўдак уйқусин.
Варраклар учиргум осмонга
Сув қуйгум гулдонга.
Мен келгум, отларни, сигирларни суямоқнинг ям-яшил майсаси билан силагум.
Суғорилмай ётган сигирга
Челак тўла шудринг ташигум.
Ҳеч кимга кераксиз қари эшакнинг
Кўриб қўйгум чивинларини.
Ҳар бир девор устига чиққум,
Михча гулларни экиб қўйгум.
Деразалар тагида туриб
Шеърлар ўқигум.
Ҳар бир ола қарғага бир арча бергум.
Илонга айтгум: қурбақалар на қадар гўзал!
Яраштиргум,
Ошно қилгум,
Йўл босгум,
Нур егум,
Севгум!

ОДДИЙ РАНГ

Осмон мовийроқ,
Сув мовийроқ,
Мен айвонда,
Раъно ҳовуз бўйида кир ювади,
Япроқлар тўкилади.
Онам эрталаб айтди:
Зерикарли мавсум...
Мен дедим:
Ҳаёт олмага ўхшар
Пўстлоғи билан тишлаш керак.
Қўшни аёл деразасида
тўр тўқирди ва куйларди,
Мен Веда ўқийман,
Баъзида расм чизаман тошни,
паррандани, булутни.
Қуёш ҳамма жойда,
Чумчуқлар учиб келди,
Лодангул гулламоқда,
Анорни суйиб доналаб,
кўнглимдан ўтказдим:
Қани эди,
одамларнинг ҳам
юрак доналари кўринганида...
Кўзимга анор суви сачради,
Кўз ёшим тўкилди.
Онам кулади,
Раъно ҳам.

СУВ

Сувни булғамайлик:
Балки ундан бир кабутар сув ичаётгандир,
Ёки узоқ далада бир Сира қуши патини ювмоқда,
Ё қишлоқда бир кўза сувга тўлмоқда.
Сувни булғамайлик:
Балким, бу оқар сув оқ терак тагига борар,
Балки, диллар андуҳи ювилаётгандир,
Бир дарвешнинг қўли қотган нонни сувга солгандир.
Сувни булғамайлик:
Гўзал аёл сув бўйига келди,
Сувга юзланди, гўзал чеҳра иккита бўлди.
Мунча ширин бу сув! Мунча зилол бу дарё!
Сув боши одамлари мунча софдил бўлмасалар!
Булоқлари сероб бўлгурлар, сигирлари сутга тўлгурлар!
Мен қишлоқларни кўрмадим,
Гумонсиз ўтовлари Худонинг пойига тикилганди...
Тўлиной у ерда суҳбатнинг кенглигини ёруғ қилади.
Чегарани бузади...
Тепа қишлоқ гумонсиз, қўралари калтадир,
номига суқилган таёқчалар...
Одамлари кўкнор қанақа гуллигини билади.
У ерда гумонсиз, мовий мовийдир,
Ғунча гуллайди, қишлоқ аҳлининг ҳабари бор...
Қанақа қишлоқ экан-а!
Кўча боғлари мусиқага тўлганлар!
Дарё боши одамлари сувни тушунадилар,
Гаплашадилар, дардлашадилар...
Булғамадилар! Биз ҳам, эҳ, биз ҳам,
Сувни булғамайлик!

ГУЛИСТОНДА

Саҳролар нақадар бепоён!
Нақадар баланд тоғлар!
Гулистонда бир гиёҳнинг ажиб ҳиди келарди!
Мен ҳам бу чамандан бир нарсани излаб юрардим:
Балки тушни,
Балки нурни, қумни, бир табассумни.
Қарағайлар ортидан, осуда поклик мени чорлаб тураради.
Қамишзорга кирганимда, шабада эсарди,
унга қулоқ тутардим:
Мен билан гаплашаётган ким эди?..

Эчкиэмар сирғалди,
Йўлга тушдим,
Қаршимда бедазор,
Бодиринг полизи, гулранг бўталар,
Тупроқни унутишлик.

Сув бўйида
Ковушларимни ечиб, ўлтирдим оёқларим сувга солиб:
“Бирам навқиронман бугун
Ва нақадар вужудим тетик!
Тағин чиқиб келмасин ғам, тоғлар ортидан,
Тағин уйғониб кетмасин алам лашкарлари!..
Ким у – дарахтлар ортидаги?

Сигир харобада ўтланадими ҳеч?
Ёзнинг чошгоҳи
Ёзнинг нималигин соялар билар,
Доғсиз соялар,
Пок ва ёруғ узлат.
Эй, ҳассос болалар! Мана ўйингоҳ.
Ҳаёт бўшликдан иборат эмас:
Меҳрибонлик бор, олма бор, иймон бор.
Ҳа,
Токи лолақизғалдоқ бор экан, яшамоқ даркор.

Бир туйғу бор дилимда, мисоли қуюқ ўрмондаги нур,
Мисоли эрталабки уйқу.
Ошиқ бўлиб қолдим,
Шунчалар бетобманки,
Саҳроларда югурсам, тоғларга чиқсам дейман.
Мени чорлар олислардан бир садо”.

ҒУРБАТ

Ой қишлоқ тепасида,
Қишлоқ аҳли уйқуда.
Тўлин ой юзидан ғурбат ғиштларини ҳидлайман.
Қўшни боғнинг чироғи ёниқ,
Менинг чироғим ўчирилган.
Ой бодиринг турган ликобчасини ва
Кўза лабидаги сувни ёритади.
Қурбақалар сайрайдилар.
Гоҳида ҳаққуши ҳам.
Тоғ менга яқин:
Чинорлар ортидан жийдалар,
Биёбон кўринади,
Тошлар кўринмайди, гулчалар кўринмайди.
Узоқдаги соялар, сувнинг ёлғизлиги каби,
Худонинг овози каби кўринади.
Ярим кечага ўхшайди.
Ўша Дубби акбар юлдузлар:
икки қарич томдан баландроқ
Осмон мовий эмас, кундузи мовий эди.
Эсимда бўлсин, эртага Ҳасан боғига бориб,
помидор ва туршак сотиб олай,
осимда бўлсин, эртага ҳовуз лабида
эчкиларни шаклга солай,
Супургилар ва уларнинг сувдаги соялардан шакл олай.
Эсимда бўлсин, сувга тушган барча капалакларни
тезда сувдан чиқарай.
Эсимда бўлсин, ер қонунига қарши иш қилмай.
Эсимда бўлсин, эртага ариқ бўйида,
сочиғимни совун билан ювай.
Эсимда бўлсин, ёлғизман.
Ой ёлғизлик тепасида.

БАЛИҚЛАР САЛОМИ

Ҳовуз бошига борган эдим
шоятки ёлғизлигим аксини сувда кўрарман, деб,
Ҳовузда сув йўқ эди.
Балиқлар айтар эди: “Дарахтларда айб йўқ”.
Ёзнинг жазирама тушлик пайти эди,
Мен сувнинг ёруғ ўғли,
ҳовуз ариқчаси бўйига ўтирдим,
Қуёш бургути келди
ва хаёлни ҳавога олиб кетди, Кетди...

Муҳим эмас, сув оксигенигача етиб бормадик.
Балиқ тангачаларидан ялтироғи кетию, кетди.
Аммо, бу катта нур,
Қизил чиннигул акси сувда сузарди,
Агар шамол эсганда унинг кўнгли
ғафлатнинг ажинларига урарди,
Бизнинг кўзимиз бор эди.
Тирқиш бор эди жаннат иқроримизга.

Сен агар боғнинг зарбасида Худони кўрсанг,
ҳиммат қилгин
Ва айтгин балиқларнинг ҳовузи сувсиздир.

Шамол эсарди, чинор ичида
Мен Худонинг вақтида юрардим.

МАНЗИЛ

Дўст уйи қайда?
Тонготар пайтида сўради отлиқ.
Осмон бир нафасга қотиб қолди.
Йўловчининг лабидаги нур шохчаси
зулматга чўмилган шағалларни ёритди.
Ва йўловчи кўрсаткич бармоғи билан
оқ теракни кўрсатиб деди:
Дарахтга етмасдан,
Худонинг уйқусидан ҳам яшилроқ
бир хиёбон бор.
Унда ишқ
Садоқатнинг қанотлари ҳажмида
кўм-кўкдир.
Комилликдан ўтадиган кўчагача боргайсан.
Сўнг ёлғизлик гули томон бурилиб,
ер юзининг абадий фавворасига,
асотирга етгайсан.
Ва сени шаффоф бир қўрқув босади.
Фазонинг самимий оқимларида
қулоғингга чалинади бир «хиш-хиш».
Баланд бир қарағай устига чиқиб,
нур тўла уядан жўжа олаётган
болакайни кўргайсан
ва ундан сўргайсан:
“Дўст уйи қайда?”

ЛАҲЗАДАГИ ВОДИЙ

Агар мени излаб келар бўлсангиз,
Йўқлик ортидаман,
У ерда бир жой бор,
момоқаймоқлар момиғи,
ҳавонинг мавжларида
хабар келтирар,
тупроқнинг энг йироқ шохида очилган гулдан.
Субҳидамда лолақизғалдоқ
меърожига интилган – шағал йўл устида
кўркам чавандоз отларининг
туёқ излари қолган.

Йўқлик ортида
истак соябони очиқдир,
То шабада чанқоғи
япроқ бандида юрурсин,
Ёмғир қўнғироғи овоз таратар.
Бу ерда инсон ёлғиз,
Бу ёлғизликда
теран соялар борар абадият қадар.

Агар мени излаб келар бўлсангиз,
Оҳиста ва сокин келинг,
токи менинг
чиннидек нозик
ёлғизлигимга
дарз кетмасин!

ДЕНГИЗЛАР ОРТИДА

Бир кема қургум
Сувга тушургум.
Ссвги уммонида қаҳрамонларни
уйғотиб қўйгувчи кимсаси бўлмаган
ғурбатли бу юртдан бош олиб кетгум.
Кемада гўр йўқ
ва дилда марварид орзуси.
Мен ҳамон сузишда давом этгум.
Бундан сўнг сув ости дунёсига
ва балиқчиларнинг ёғдули хилватларига
зулфидан афсунлар таратиб,
сувга шўнғиётган парига
кўнгил қўймагум.
Мен ҳамон сузишда давом этгум.
Мен ҳамон куйлашда давом этгум.
Узоқлашиб кетмоғим керак.
У шаҳарнинг эркаклари ўтмишсиз эди,
У шаҳарнинг аёллари бир бош узумчалик
етилмаган эди.
Ҳеч бир уйнинг деразалари
шодликларни такрор этмади,
Шуълаларни акс этмади,
Ҳатто бирон-бир кўлмак.
Узоқлашиб кетмоғим керак.
Тун куйлайди таронасини,
энди навбат деразаларга.

Мен ҳамон куйлашда давом этгум.
Мен ҳамон сузишда давом этгум.

Денгизлар ортида бор ёлғиз шаҳар.
Бир шаҳарки, деразалари
тажаллий томонга очилган.
Томларига башар ақлининг
фавворадек отилишига
қараётган кабутарлар ин қурган.
Бу шаҳарнипг ўн ёшдаги ҳар бир гўдаги
қўлларида маърифатнинг шохчалари
ҳилпирар.
Бу шаҳарнинг аҳолиси ҳар бир бошоққа
бир шуълага қарагандек, гўзал бир тушдек
ҳайрат билан қараб ўтади.
Бу шаҳарнинг тупроғи
туйғуларнинг оҳангига қулоқ тутади.
Шамоллари
асотирий қушлар қанотининг
садосини етказади.
Денгизлар ортида бордир бир шаҳар
Унда нур сочгувчи қуёш кўлами
Азонда очилган кўзларга тенгдир.
Шоирлар сув, ақл ва нурнинг
ворисидирлар.
Денгизлар ортида бор ёлғиз шаҳар
Бир кема қурайлик.

ДЎСТ СОЯСИНИНГ ТАЛПИНИШИ

Саводнинг қишлоғигача йўл бор эди.
Бизнинг кўзларимиз тирик ой тафсирига тўла эди,
Кеча эса енгларимиз ичида.

Қуриган кўлмаклар орасидан ўтар эдик,
Кўкаламзорлар сўзидан қулоқлар тўла,
Узоқдаги шаҳарлар иньекоси юки,
Ернинг қаттиқ мантиғи оёқ тагида оқмоқда.

Тишларимиз остида айрилиқнинг
таъми ўрин алмашарди,
Набувват жинсидан бўлган пойафзалимиз
бизни шомол ила ердан кўтараради.
Қўлимиздаги чўп ўз елкасида
абадий баҳорни олиб кетарди,
Ҳар биримиз осмонга эга эдик
фикрнинг ўнқир-чўнқирида.
Қўлларимизнинг ҳар бир қимирлаши
тонгнинг жазиб қаноти ҳаракатида куйлайди,
Чўнтакларимиз болалик тонгги овозини бераради.
Биз бир гуруҳ ошиқлар эдик ва йўлимиз
Фақирликни биладиган қишлоқлар ёнидан
То интиҳоси йўқ сафогача борарди.
Сув олиш чоғида ўзидан ўзи ҳамма бошлар эгилди:
Юзларимиз устида тун буғланарди,
Дўстнинг овози дўст қулоғига келарди.

ДИЙДОР ОВОЗИ

Савaт билан майдонга кетдим, эрталаб
Мевалар куйлашарди,
Мевалар қуёш- ла сўйлашарди,

Идишларда ҳаёт камолга етган пўстлоғ ичра
абадий тушини кўрарди,
Ҳар бир меванинг соясида боғларнинг
изтироби маълум эди.
Номаълумлик гоҳида беҳиларнинг
ярақлаши орасида сузарди,
Ҳар бир анор ўз ранггини то
Порсолар еригача кенгайтирарди,
Шаҳарликлар фикри, нигоҳи, афсус,
Норинж дарахтларига осилган хат эди.

Мен уйга қайтдим, онам сўради:
Гўзардан бирор мева сотиб олдингми?
-Бениҳоя меваларни бу саватга қандай жойлай?
- Мен учун бир яхши анор сотиб ол, дедим.
-Бир анорни имтиҳон қилдим,
Ҳажми бу савaт четидан ошиб кетди.
- Воҳ, нима бўлди?
Тушлик энди нима бўлади?..
-...
Тушликда дерезалардан ҳаётнинг узоқларга
кетар тасвири кўринарди.

ЁЛҒИЗЛИКНИНГ ЯХШИ КЕЧАСИ

Қулоқ сол, энг узоқдаги қушларда кўйламоқда
Кеча тинч ором ва очиқ...
Теран гуллари
Фаслнинг энг жарангли шохи ҳам ойни эшитади.
Бино олдида зиналар,
Эшик қўлида фонус
Шаббода исроф бўлмоқда.

Қулоқ сол, узоқдан йўл сенинг
қадамларингни чақиради
Сенинг кўзинг қороғуликни зийнати эмас.
Қабоқларни қоққин, оёғингни кийгин ва келгин,
То ойнинг қанот парлари бармоғинга тетиклик
берадиган жойга келгин,
Замон кесак супа устида сен билан ўтирсин,
Кечанинг тароналари сенинг вужудингни
бир парча оҳанг каби ўзига жазиб этсин.
У ерда порсо бор сенга айтади:
Энг яхшиси, ишқ ҳодисасидан намлироқ
киприкка етишишдир.

ТОМОШО СУРАСИ

Томошога қасам:
Сўзнинг бошига ва
Кабутарнинг зеҳндан учишига қасамки,
Сўз қафасдадир.

Сўзларим бир қучоқ чамандек равшан эди,
Мен уларга дедим:
Даргоҳингиз остонасида қуёш
Агар эшик очсангиз, сизнинг рафторингизга тушади.

Уларга дедим:
Тош - тоғларнинг безаги эмас,
Пўлат– болтанинг дастасига тақинчоқ бўлмаганидек.

Ернинг кафтидаги ноёб гавҳарга
Ҳамма расуллар бу товланишга тикилиб қолганлар,
Гавҳарнинг изидан бўлинг.

Лаҳзаларни рисолат яйловига олиб боринг.
Мен уларга почтачи қадамининг
овози билан башорат бердим.
Куннинг яқинлигига, рангнинг кўпайишига
Қизил гулнинг навосига,
улкан сўзлар девор ортида...

Уларга дедим:
Ҳар ким чўпнинг хотирасида боғни кўрса,
Унинг юзи ўрмоннинг абадий эсишида қолажак.

Ҳар кимки, ҳавонинг қуши билан дўстлашса,
Уйқуси жаҳоннинг энг сокин уйқуси бўлади.
Кимки замоннинг бармоғи учидан нур терса,
Дерезалар тугунини оҳ билан очади.

Толнинг тагида эдик.
Бошим устидаги шохдан бир баргни узиб, дедим:
Кўзларни очинглар,
бундан яхшироқ оят хоҳлайсизларми?
Бир бирига айтишларини эшитардим:
Саҳар билади, Саҳар!

Ҳар тоғнинг чўққисида бир расул кўрдилар
Инкор булутини елкасига олдилар.
Шамолни нозил қилдик
Токи дуппиларини бошларидан учирсин.
Уйлари гулга тўлсин,
Кўзларини боғладик.
Қўлларини ҳушёрлик шохига етказмадик.
Чўнтакларини одатга тўлдирдик.
Уйқуларини кўзгу сафари нидоси ила
паришон қилиб қўйдик.

ХИРГОЙИ ПАТЛАРИ

Ерда хали қор эришига вақт бор
Ҳамма тескари нилуфар–соябонларнинг
ёпилишига вақт бор
Дарахт тугамайди
Қор тагидаги қоғознинг шамолда учишининг хоҳиши
Ҳашорат кўзининг ҳўл ёруғлиги
Ҳаётнинг тушуниш уфиқидан қурбақани бош чиқариши,

Бизнинг патнисимиз сомса ва байрам суҳбатидан т
ўлишига вақт бор.
На бир шохнинг ўсиш ҳавосида оҳанг бор.
На қор манзумаси тирқишидан патилар овози келади
Хиргойига ташнаман.
Феврал ойининг пахса девор устида
алаҳсираган қуш куйласин.
Энди нима қилишим керак
Мен йилнинг чувур-чувурисиз энг яланг мавсумида
Хиргойига ташнаман?

Турсам яхшироқдир
Бўёқларни олай
Ўзимнинг ёлғизлигим юзига қушнинг расмини чизай.

ВАҚТНИНГ ЁРУҒ САҲИФАСИ

Ёруғлик ҳужумидан эшикнинг шишалари қимирлайди.
Тонг отди қуёш келди.
Хонтахтанинг чаманзорида чой ичдик.

Соат тўққизда булут келди, панжаралар ҳўл бўлди.
Менинг кичик лаҳзаларим настаринлар тагида яширилган эди.
Бир қўғирчоқ ёмғир ортида эди.

Булутлар кетти.
Тоза ҳаво, бир чумчиқ, бир парвоз.
Менинг душманларим қаерда?
Ўйлардим:
Геран гуллари ҳузурида бадбахтликлар эрийди.

Эшик очдим: осмоннинг бир қисми менинг пиёла фунжон истаконимдаги сувга тушди.
Сувни осмон бирла ичдим,
Менинг кичик лаҳзаларим кумушли уйқуда эди,
Мен вақтнинг кўринмас шифти остида китобимни очдим.

Куннинг ярми келди.
Ноннинг ҳиди дастурхонинг қуёшидан то
гул жисмининг идрокигача сафар қиларди.

Идрок чамани хуррам эди.
Менинг қўлларим фитрат рангларида сузди.
Апелсинни тозалардим,
Шаҳар оинада кўринарди,
Менинг дўстларим қаерда?
Дарёлари апелсинга тўлсин!

Шишанинг ортида истагингча тун бисёр,
Менинг хонамда наво бор эди,
бармоқларим тегиши билан авж оларди,
Хонамда миқёснинг камайиши овози келарди.
Менинг кичик лаҳзаларим юлдузгача ўйларди.
Уйқу кўзларим устида неларнидир қурарди:
Бир очиқ фазо, тарранум қумлари, дўстнинг оёқ изи.

ҚУЁШЛИ

Сувнинг овози келмоқда,
ёлғизлик ариғида нима ювмоқдалар?
Лаҳзалар кийими тоза,
29 декабрнинг охири,
Қорнинг оҳанги, тамошо риштаси, вақтнинг томчилари
Тароват ғиштлар устида, куннинг устида
Нима истаймиз?
Фаслнинг ҳарорати сўзларимиз қуршовида.
Оғиз фикрнинг иссиқхонасидир.

Сенинг сафарларингни кўчаларида туш кўрадилар,
Сен келаринг ҳақда узоқ қишлоқларда
қушлар бир бирини табриклайдилар.
Нега одамлар билмайдилар
Настарин тасодиф эмас.
Билмайдилар бугунги қушнинг кўзларида
кечаги дарё сувларининг жилоси бор?
Нега одамлар билмайдилар
Номумкин гулларда ҳаво совуқдир?

ЯШАШ СЎЗИНИНГ ЖУМБУШИ

Арчалар елкасида қор, ва бир тўда қарғалар

Йўл бу ғурбат...
Шамол, овоз, мусофир,
бир оз ухлаш истаги...

Печак шохи ва етишмоқ ва ҳовли

Мен ва соғиниш ва бу ҳўл шиша
Ёзаман, ва фазо
Ёзаман , икки девор ва бир нечта чумчуқлар
Бир киши соғинади,
Бир киши тўқийди,
Бир киши санайди,
Ва бир киши уқийди,

Ҳаёт, бу-бир лочинни учиши,
Нимани соғиндинг, нодон?
Хурсандчилик кам эмас,
Масалан, мана бу қуёш.
Индинги болакай-
Эртанги кабутар.

Бир киши кеча ўлди
Ва ҳали ҳам буғдой нони яхшидир
Ва ҳали ҳам ариқ оқаяпти, отлар сув ичмоқда.

Қатралар жараёнда...
Қор сукутнинг елкаларида
Ва замон ёсуман гулининг умуртқасида.

ЯШИЛДАН ЯШИЛГАЧА

Мен бу қоронғуликда
ёрқин қўзичоқнинг фикридамен
Келиб чарчаган ўтимни ўтлансин.

Мен бу қоронғуликда
Билакларим давомини
Ёмгир остида кўраман.
Баширият нинг биринчи дуоларини ҳўл қилди.

Мен бу қоронғуликда
Эски чаманларга эшик очдим,
Афсона деворидаги тиллоларини тамошо қилдик.

Мен бу қоронғуликда
Илдизларни кўрдим
Ўлимнинг янги бўтасига, сувни англатдим.

ЧАҚИРИҚНИНГ БОШИ

Ковушларим қаерда,
Суҳроб деб, ким чақирди?
Барг таниган ҳаводек
таниш овоз эди...
Онам уйқуда
Манучеҳр ва Парвона...
шаҳарнинг ҳамма одамларидек, балки.
Май кечаси
марсиянинг сокинлиги каби
сониялар ўтади.
Салқин шабада
кўрпамнинг яшил ҳошияси билан,
менинг уйқумни супиради...

Ҳижрат ҳиди келади
Ёстиғим овозга тўла, қушчалар овози
Тонг отмоқда
Қаранг, косадаги сувга
Осмон ҳижрат қилади

Бу кеча кетишим керак,
Мен энг очиқ деразадан
бу водий одамлари билан суҳбатлашдим.
Замон мулкидан сўз эшитмадим
Ҳеч кимни кўзи
ерга севги билан тўкилмаган эди...
Ҳеч ким бир қўрғончани кўриб, маҳлиё бўлмади,

Ҳеч ким зағчани
полиз бошидан жиддий қўримади...

Бир булут сингари кўнглим қорайди,
